

Мұхаммад СОДИҚ

# ПУЛ ЖАҢОБИ ОЛИЙЛАРИ

84 (59)  
С-75



**Kitob shu yerda ko'ršatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**


**ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_**

--	--

*Муҳаммад СОДИҚ*

# **ПУЛ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ**

*Кисса*



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2017

УЎК 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)7

С 75

Асар воқеалари шўро даврида бўлиб ўтган. Эҳ-хе, у замонларда нималар бўлиб ўтмаган дейсиз?

Инсонлар хато ва камчиликлардан холоса чиқариб, шу хатоларни такрорламасликка харакат қиласи. Шундай эмасми?..

Бунга китобни ўқиб чиққач, ўзингиз ҳам ишонч хосил қиласиз.



ISBN 978-9943-28-726-6

© Мухаммад Содик, 2017

© «O'zbekiston» НМИУ, 2017

Кирланиб битдим ўзим,  
Дунёни поклай олмадим.

Абдулла ТҮҚАЙ

## ШАҲИД БЎЛГАН ПЛАШ

«Пул – қўлнинг кири», – дейди қўли пул кўрмаган камбағал. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Унда қўлимда пулим кўп бўлсин, узокрок сақланиб қолсин, деганлар қўлларини умрбод ювмай юришлари керак экан-да! Бундан чикди, бойлар қўлларини ювмай юришаркан-да! Жа... унақамасдир-ов... Битта қўшним жуда-жуда бой, аникроғи, бойларнинг додаси. Қаерда, қайси банкда қанча пули борлигини ўзи ҳам эсидан чиқариб юборганига анча бўлган. Аммо қўни-қўшнилар, маҳалла-кўй, кариндош-уруғлар унинг бойлигини аллақачон ҳисоблаб, ҳисобини чиқариб қўйишган. Уларнинг хомчўт қилишича, қўшним пулинини («кўки»ни, албатта) санамас экан, тарозида ҳам тортмасмиш (тош етмас экан), метрлаб ўлчаркан. Масалан: 1 метр куб 25 сўмлик пул

34.013.000 сўм, 10 сўмлиги 7 миллион 550 минг сўм. Айтмоқчи, 1 метр кубдаги юз долларлик пул 127 миллион 567 300 доллар бўларкан.

Майли, у киши тортадими, ўлчайдими, кўзда чамалайдими... нима бўлгандаям, ўша кишининг кўли кир эмас – аниқ биламан. Сўрашганмисиз, дейсизми? «Ха» десамми, «йўқ» десамми... Йўқ хам, ха хам. Тўғри, ён кўшним – жон кўшним. Аммо умрим давомида сўрашганимни эслай олмайман. Факат бир марта – у кини кенжা ўғлини уйлантирганда (бизни таклиф ҳам қилмаганди, қувалик дўстим унинг ўғли билан хукуқшунослик факультетида бирга ўқиркан: курсдошлари келишганда мени ҳам тўйга судраб олиб киришганди) сўрашгандай бўлганман. Ўшанда ўғлининг курсдошлари қатор бўлишиб у киши билан сўрашишганида, ҳамма қатори менга ҳам қўлини чўзгандай бўлганди. Мен ҳам унинг оппок, юмшок қўлини ушлагандим, тилло узуги кафтимга қаттиқ ботганди. Ўшанда кўрганман, қўшнимнинг кўли оппок, кири йўқ эди. Энди нима дейсиз? Мақол чиппакка чиқдими? Ундей десак, халқ ёлғон гапириши мумкин эмас. Ёлғондан мақол тўқилмайди. Бу ерда бошқа гап бор. Бойларнинг қўли ростдан ҳам кир бўлади. Буни кейинроқ билиб оласиз. Ҳар қандай катта бойлик ортида жиноят ётади деб бежиз айтмайдилар. Ҳакрост. Лекин... бу ўтмишнинг гапи. Машакқатли меҳнат қилиб пул тонаётганлар, халол кишилар, сахий савдогарлар мени кечи-

ришисин... Лекин нима бўлгандаям, бойиш учун қўлни кир қилиш керак, чин маънода кирланмоқ лозим. Сизга жонли мисол келтираман.

Сотволди тезроқ бой бўлиш учун дўпидек томорқасида тиним билмай ишлайди. Бир йилда уч марта хосил олади. Умр бўйи китоб ўқишу ёзишдан бошқани билмаган бу зот – қаҳрамонимиз нимжон бўлиб ўсган. 85 ёшли отаси билан ёнма-ён чопиққа туписа, отаси томорқадан бир йўла кечга бориб аранг чиқади. Орада дам ҳам олмайди, чой-пой ҳам ичмайди. Сотволди бўлса, бир қаторнинг бошига етгунича 3–4 марта тикка туради, аланг-жаланг қиласи, тез-тез дарвоза томонга қараб қўяди: бирор чакириб-нетиб қолсайди, деб. Бу орада чанқамасаям: «Ота, сизга чой олиб келай, ичволинг», деб ошхонага кириб кетади. Чой ичгиси келмаган ота ҳам ўғлига зимдан қараб, мийигида кулиб, чой ичган бўлади. Хуллас, бир амаллаб тушликка етволади. Кетворай деса, отасидан уялади, келажакда бойиш ниятиям бор. Кўпроқ ишласа, яхши хосил олса, тузукроқ пул қилса... Камига кечқурун колхоз жўхориноясига бориб, сўта қайириб келади – жамоат мулкини талон-торож қиласи. Ўғирликка укаси билан хотинини ҳам судрайди. Судраши ҳам керак-да. Бир қоп қайиргани қайдо-ю, уч қоп сўта қанча? Дарвоқе, буни ўғрилик деб ҳам бўлмайди. Қаерда ўз томорқасидаги хосилни ўзи териб олса, ўғрилик саналибди? Колхозники дейсизми? Ўша колхоз қандай тузилганини биласизми? Ҳа, ўлманг! Содик

буваған, яъни Сотволдининг бобосидан ўша сиз айтган колхоз икки таноб ер, қўш хўқиз, омоч, бир от, битта Кўкон аравани индамай, пул-мул ҳам бермай, «қулоқ қилвораман», деб кўрқигиб тортиб олиб, кейин тузилган. Энди фахмладингизми, колхозники – Сотволдиники эканлигини. Демак, Сотволди ўғрилик қилмаган, ўзининг томорқасидаги ҳашпа-ҳалол сўтани қайириб келган, холос. Яна ўша сиз айтган колхозингизда Сотволдининг миллион-миллион ҳаки кўмилиб ётибди.

Гапнинг қисқаси, Сотволди деганимиз ҳали томорқасида, ҳали товуқхонада, ҳали молхонада (хозир у ерда мол эмас, биттагина тирраки эчки ётибди) бўлиб, дарсларига аранг улгуради. Синф-даям уст-бошидан оз-моз (кўп эмас) молхона ҳиди анқиб туради, қўли сал кирроқ, тирноклари ости сал қорароқ бўлиб юради-ю, аммо пули кўпаймайди. Буям мақолга – қўли кирнинг пули кўп бўлади, деганларига тескари. Тўғри, Сотвoldининг кўлига оз-моз пул тушади-ю, тезда ё қарзига, ё қорнига кириб ғойиб бўлади. Кориннинг ўзиям накд ўн битта! Кошки факат қориннинг ўзи бўлса! Уша коринни тўсиб туриши учун устига латта-путта ҳам керак бўларкан. Корин эгаларининг ҳаммаси мактабга, техникумларга боришади. Сотволди, бир хисобда пулимнинг кўпаймагани ҳам яхши, деб ўйлайди. Айтишади-ку, «Пул одамни бузади», деб. Бузилмасдан сошпа-соғ юргани яхши-да! «Пули борлар – йўрға-йўрға, пули йўқлар – зўрға-зўрға» деганларидай, Сотволди «йўрға-йўрға» юришга хара-

кат қилади, ҳатто ойнага қараб машқ ҳам қилиб турасы, чунки ўқитувчининг борлиғи – кийими, киёфаси, ички дунёси гўзал, намунали бўлиши керак, деган ақидага амал қилади. Аммо чўнтағидаги қарзлар рўйхати унинг қадини сал эгиб қўяди, қанча ғоз юришга ҳаракат қилмасин, бошини сал олдинга ташлаб, энганиброк юрганини ўзи ҳам билмай қолган. Доноларнинг: «Инсонлар аввал пул топиш учун соғлиқларини беради, кейин эса соғлиқларини топиш учун пулларини беради», деган гаплари тўғри экан. Сотволди ҳам тез-тез бетобланадиган бўлиб қолди. Айниқса, асаби ишдан чиқди. Уч-тўрт кун дам олиб ётаяй деса, иш кўп, бунинг устига, мактабдагилар касаллик варақаси бўлмаса гапга ишонишмайди. Поликлиникада эса муаллимларга касаллик варакаси беринин тақиқлаб қўйишибди. Чунки касаллик варакасини очтириб қўйиб, шаҳарма-шаҳар чайқовчилик қилаётганлар, тўйма-тўй, меҳмондорчиликларда юрганлар кўпайиб кетибди.

Бир гал жуда қизиқ бўлди. Сотволди каттиқ иситмалаб, онаси берган хўрдани ичиб, роса терлаб ётганида, хотини чақириб қолди:

– Ётоврасизми, туриңг, мактабдан кўргани келишиди!

Сотволди бир зумда енгиллашгандай, баданларидан илиқлиқ чиққандай бўлди. «Мана, хозир», деб ич кийим билан чиқиб кетишига оз қолди. Профком Мансурнинг: «Мен уни ётган жойида ўз кўзим билан кўришим керак», – деган овозини эшитиб, кўриага ўраниб олди.

— Хо-ош-ш... Сотволди, ростдан ҳам касалмисиз?

Сотволди аввал профкомнинг гапини ҳазил деб ўйлади, аммо унинг жиддий қиёфасини кўриб, нима дейишни билмай қолди.

— Ҳа энди, кўриб турганингиздай, бурга тепди, шекилли...

— У ёқда семинар, фронтал текшириш, пахтага ёрдам... иш тикилиб ётибди. Бюллетенингиз борми ўзи? Мен профсоюздан ўша қофозингиз ҳақиқийми ё қалбаки эканлигини текширгани келдим, бутун жамоа мени вакил қилиб юборди.

— Болничний поликлиникада эди. Чўздиришига ташлаб келганди укам.

— Яхши, тезроқ бораркансиз, — деб Мансур тезда кетворди. Шунда Сотволдининг дарди кучайгандай бўлди, у бундай бўлишини хеч кутмаганди. Беихтиёр дилидан: «Хол-аҳвол сўраш ҳам, шифо берсин дейиш ҳам йўқ, инсон қадри шу қадар пастми? Иккита иссиқ ноннинг тенгини ҳам қилмабди, номард! Одам ҳам шунаقا бўладими?» деган фикр ўтди, мулзам бўлиб, дили ранжиди. Шундан кейин Сотволдининг кўнгли мактабдан жуда совиб кетиб, ишлагиси ҳам келмай қолди, аммо нимаям қиласди, тўрт йил институтда орзуҳавас билан ўқиган...

Шундай тушикун ҳолда мактабга чиқканда Сотволдини янада совуқ муносабат билан қаршиладилар:

— Ҳа-а... Сотволди, чиқяпсизми лапшайиб...  
Хо-ош-ш, энди «чўрний касса»ни олиб нима қи-

ладилар? – математика муаллими Ахмадали домла умрида тиш чўткаю тиш паста нималигини билмай, аввал сарғайиб, кейин жигарранглашиб, охири бориб йирингга ўҳшаб кетган тишлари ни (агар уларни тиш деб аташ мумкин бўлса... дарвоке, тиш десаям бўлади, чунки яратилишида тиш бўлган-да!) кўрсатиб, ясама кулги билан кихқиҳлади ва ҳангоматалаб кишиларни топиш илинжида атрофга аланглади. Бошқалар домланинг бунақа бемаъни, одамнинг асабига тегадиган масхараларидан тўйиб кетишганидан, ўз юмушлари билан овора, айримлари мудрайди. Сотволди бўлса, хозир бориб Ахмадали домлани бўғиб ўлдиргисиям бор-у... шайтонга ҳай берди-да. Нима дейсиз? «Шу биргина гапга-я!» дейсизми? Э-э... биргинаси қаёқда! Сотволдининг мактабга келганига беш йил бўлибдики, шу аҳвол: танаффус бўлди дегунча, қаердан пайдо бўлади ажинага ўҳшаб, тап этиб ёнига ўтириб олади-ю, бемаъни саволларини бера бошлайди. Савол бўлгандаям, на эркак кишига, на педагогга, на ёшига мос келмайдиган саволлар. Индамасангиз, ўзи жавоб беради-да, Саддинисо опей айтгаңдай, ҳезалакка ўҳшаб қиқирлаб кулаверади. Жамоадошлири ўрганиб кетишганми ёки уларга шу ёқадими, уларнинг савияси хам шунаками... Сотволди билолмай ҳайрон. Агар сал «толковый»роқ одам бўлганди, унинг танобини тортиб қўярмиди. Бошқалар унинг адабини бериб, оғзини ёпишганми ё бошқа нарсами, ҳеч кимнинг ёнига бориб ти-

хирлик қилмайди-ю, факт унинг ёнига келади. Ё Сотволдининг ўта топкирлик билан қиладиган жавобларининг хумори тутадими?.. Сотволди ҳам аввалига унинг саволлариға жавоб бериб юрди, кейинрок нарига кетадиган бўлди. Ўшандаям қутулмади. Охирги пайтларда журнални алмаштира солиб кейинги дарси бўладиган синфнинг олдига бориб турадиган одат чиқарди: Аҳмадали домланинг асаббузар саволларидан болаларнинг шовқини ҳузурлироқ туюлди.

Аҳмадали домла математик бўлгани учун дарса камроқ гапириб, жағи дам олиб чиқса керак-да. Сотволди бўлса, кирқ беш минут тинмай гапиради. Танаффусда оз бўлса ҳам жағимга дам берай деса... Охири одобсизлик бўлса ҳам: «Домла, танаффусда озгина дам олай, бирпас жағингиз тек турсин», дейдиган бўлдиям... Қаёқда! Қандай бўлмасин бир кунда ҳеч бўлмаганда бир марта шу домланинг қўлига түшиб туради. Мана бугун ҳам қочиб кетишнинг ҳеч иложи йўқ: 6-синфларнинг диктантини текшириш керак, эртага таҳлил бўлади. Уйда текширишга шароит йўқ – хотинининг шанбалик ўтириши бор. Шундай бўлгач, чидайди-да! У ўзини зўрға қўлга олиб:

– Ҳа, домла, нима қиласдик, пулни оламиз-у, рўйхат-пўйхати билан хотинжонга топширамизда! – деди Сотволди кесатиб ҳамда Аҳмадали домланинг хотини жуда ўткирлиги, уйда унинг гапи болаларию хотинига ҳечам ўтмаслигига ишо-

ра килиб. Дарвоке, бу одам уйдагилариға гапира олмаслигидан гап халтасини шу ерда бўшатиб кетармикан?

— Оббо, сиз-эй! Хозирдан хотинингизга юганни тутказиб қўйибсизда-а? — сал шаштидан тушди Аҳмадали домла.

— Энди ака, домла халқи шунақа кўнгилчан, келишувчан, қисқаси, қўрқоқ бўламиз-да. — Сотволди ўнг келганидан фойдаланиб, картани очиб ташлаб, Аҳмадали домлани накаут қилмоқчи бўлди ва бунга тўла ишониб ҳужумни давом эттириди. Аммо... қаёқда?

— Ҳи-ҳи... Кўрқманг! Мана, биз бормиз, ўша Лайлохон сизга бир нима деса. Унинг жагини ўчириш йўллари бор: жаврашни бошлидими, унга қараб шеър ўкинг.

— Сизга ўхшабми?

— Бопланг! Аҳмадали домла шунақа килиб хотинини бутунлай «енгиб» олганки... Мана минг йилдан бери домла, э-э, хотини ғинг демайди. Аммо уйда унинг гапи гап! — деб орага қўшилди биология муаллими Ориф ака. — Аммо Аҳмадали домла нотўғри айтди. Хотинлар шеърни бошига урадими? Шеър 18 ёшгача кучини кўрсатади. Тўйдан кейин шеър ўрнини ҳакиқий шер — пул эгаллайди. Уларнинг оғзини факат пул билан ёпасиз. Ўша — қўлнинг кири бўлган пул Сотволдида камрок. Демак, Лайлохоннинг жагини ўчиrolмайди.

— Нима деяпсиз, Сотволди яқинда бойиб кетади. Қўллари шунақаям кирлашадики... кечаки

гина кўрдим, Кўконда кўкат сотиб, нақд бир халта пул олиб келди. Яқинда картошка ковлайди. Ўшанда кўрасиз, Россиядан картошка келмай турса, бир коп картошкаси бир қоп пул бўлиб турибди-ю... Каабсизки, Лайлохоннинг жағи вообще ёпилади! – кўзларини ола-кула қилиб, қўлларини шапиллатиб гапирди физик Валижон.

– Энди... кўкат бозорда неча пулу картошка неча қоп чиқиб, қанча пулга сотилганидан Лайлохоннинг хабари йўқ. Демак, «левый». Осмондан тушган нул бўлса, кетади институтда бирга ўқиган собиқ ойимчаларига, – деб кочирим килди директор ўринбосари – яқиндагина колхоз боғчасидан ўғрилиги туфайли мудирликдан ҳайдалиб бу ерга ишга ўрнашган опахон энли ўсмали қошлирини учириб.

– Содиков Сотволди шу ердамисиз, икки ойлик взносингиз турибди, тўлаб кўйинг. Сизни деб икки ойдан бери рэйкўмга атчўт тоширилмай юрибман, – деди варағини шилдиратиб, оғизларини кўпиклаштириб оддий гапни ҳам, ҳатто тўйдаги табрикларни ҳам уришган одамлардай тарак-турук қилиб гапирадиган партком Халима она.

Сотволди шўрлик қаёққа қочишини ҳам билмай қолди. Ўзи шу опейни ким олган экан партияга! Коммунист деганларида бирор кўрса салчўчийдиган салобат, салмоқдор овоз, айникса, аёл бўлгандан кейин жозиба ва яна бошқаларда йўқ бир нималардир бўлиши керакми?.. Аёл-

лар мени кечиришсін-у, бу опей иккі оғиз гапирсаям оғзи түяникидек күпиклашиб кетади. Кейин жуда әрта уйғониб, уй ишларидан толиқтамы, күзлари чарчайди, чарчаган күзлар қаймоклашади, чүнтак ойналаси бўлмаганидан кейин уни олиб ташлаш у ёқда турсин, бу холни сезмайди ҳам. Ўқувчилари қўрққанидан, ҳамкасларининг айримлари одоб юзасидан, баъзилари атайлаб, «Опей, кўзингизни артиб олинг», дейишмаганидан, партком опамиз кейинги ювинишгача шундай юраверадилар. Сотволди унга қараб: «Менга дўқ қилгунча кўзингизни артиб олинг», демоқчи бўлди-ю, шаштидан қайтди. «Қаердан ҳам шу партияга ўтган эканман, менга нима зарил эди», деган фикр ўтди унинг кўнглидан.

...Ушанда ҳарбий хизматда эди. Дам олиш кунлари республикалараро «Кувноқ стартлар» конкурсси бўлганди. Ёзувчиликдан хабари борлигини билган замполит унга сценарий ёзиши топширади. Полкдаги 60 та ўзбекдан санъатдан оз-моз хабари бўлган 12 та солдатни ажратиб беришиди. У бўлдию бу бўлди, ажойиб ҳажвий кўриниш тайёрлашиб, биринчи ўринни олишиди. Боси осмонга етган замполит эртасигаёқ Содиковни фирмә аъзолигига кандидатликка тайёрлай бошлади. Иктидор фойда ҳам, зарап ҳам бераркан-да! У пайтларда партияга ўтиш ҳаммага ҳам насиб эта-вермасди, аввалига Содиков роса хурсанд бўлди. Айрим кишилар партияга ўтиш учун ўзининг иссик ўринини ташлаб узок чўлларга, колхоз-сов-

хозларнинг фермаларига ишга киришарди. Шу йўл билан партияга кириш осон эди-да.

Мана, энди мактабга келибдики, партияга аъзолиги бош оғриқдан бошқа нарса эмас. Мактабда бор-йўғи тўртта коммунист бор. Бири – директор, бири – завхоз, қолганлари ўзингиз билганлар. Директор доимо мажлисларда – ташқарида, завхоз таъминот ишлари билан банд, бунинг устига, у яна маҳалла қассоби, кундакунора тўй, маърака... Балога қолган Боқивой деганларидек, шу севимли она иккиси партия ишига балогардон. Ўз-ўзидан, аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этмаса, мажлис ўтмайди. Мажлис ҳам мажлис-да! Фалон съезд, Пленум карорлари аввал мактаб жамоасининг умумий йиғилишида, кейин профсоюз йиғилишида, кейин комсомоллар йиғилишида ишлаб чиқилади, барчага етказилиши эълон қилинади. Ана энди шу гапларнинг ҳаммаси коммунистлар йиғилишида ҳам кўрилиши керак ва шарт! «Опей, шуни аввал ҳам гаплашганимиз, мажлисни ўтди деб ёзиб қўяверсангиз, сизни бирор уришармиди, мен ҳеч кимга айтмайман», – деб ҳам кўрди-ю, колди балога. Опаям мажлис ҳақидаги хабарни ўн кун аввал айтади, эълон ёзиб хар икки бинога ёпиштириб чиқади, яна буям камдек, унга алоҳида оғзаки ва расмий равишда тайинлайди: «Содиков, яхшилаб эшитиб олинг, яна аввалгидек қочиб кетманг, 4 октябрь душанба куни соат 17.30да партия мажлиси, сизни докладчи килганимиз, темани биласиз: «Пар-

тия XXV съезди қарорларидан она тили дарсларида фойдаланиш», дейди. Шу ондаёқ Содиков ҳам худога астайдил нола қиласы: «Үзинг сакла! Барибир қатнашмайман». Яхши гаига фаришталар «омин» дейдими, аксари ҳолларда мажлисда қатнашмаслик учун жүяли баҳоналар чикиб туради: ё түй, ё аза, ё бетоблик, жуда бўлмаса, мактаб иши билан бошқа ерларга бориш. Хуллас, йиғилишда йилига бир марта қатнашса қатнашади, бўлмаса йўқ.

Сотволди Содиков ўқитувчилар хонасига кирганига ҳам минг пушаймон еб, қандай чиқиб кетишини билмай ўтирганди. Мана энди вазият баттар оғирлашиди. Кутулиб ҳам бўпсан, Содиков! Беш сўмни қаердан топади? «Чўрний касса»ни ҳали завхоздан олгани йўқ. Тушлик учун олиб келган бир сўмни еб бўлди, партия билети насияни хушламайди.

«Хозир, опажон», деб эпчиллик билан завхоз хонасига кириб кетмоқчи бўлди. Партком опа эса ундан ҳам чақконрок чиқиб, плашининг этагидан ушлаб қолди... Ўн йилдан бери сабр билан Содиковнинг кунига яраб, танасини ҳар балолардан асраб келаётган табаррук плаш «шарр» этиб йиртилиб ўтирибди-да! Ўзиям бу плаш... плашимисан плаш эди-да! Аввало, бу плашининг олинганига ўн йил тўлган бўлса, урфдан қолганига йигирма йиллар бўлди-ёв. Ҳа, шунака. Агар урфдан қолмаганда, Содиковнинг 28 сўм пулига уни сотиш у ёқда турсин, енгини ҳам ушла-

тишмасди. Ўша йигирма саккиз сўм ҳам қандай қийинчиликлар эвазига топилганини билсангиз эди...

Биринчи курсда ўқиб юрганда... Ҳамма курсдошлирининг ота-оналари магазинчи, прораб, врач, хўжайин, хеч бўлмаганиники – мактаб директори. Уники бўлса, бор-йўғи пенсионер, олганда ям, иккиси бирикиб 28 сўм олишади. Яхшиям поччаси магазинчи экан, эски плашини ташлаб, ёкиб юбор, деганда, опасининг кўзи қиймай, уволидан кўркиб, унга келтириб берганди. Аввалига ор қилиб, кийгиси келмай юрди-ю, камбағаллик билан совук ориятни енгиб чиқди.

Пахтага чиқишган куниёқ аҳд қилди: пахтани шундай терайки, плаш олмагунимча қўймайман! Камбағалнинг охи Оллоҳга биринчи бўлиб етиб бораркан. Шу йили Ўзбекистонимиз Ватанга 6 миллион тонна пахта беришга ваъда берди. 6 миллионлик довон жуда узок бўларкан. Унга етиш шу даражада қийин бўлдики, пахта терими накд 31 декабргача чўзилди. Корбобонинг ўзи ўқитувчию врач, ишчию талабани пахтазордан қайтариб келди. Агар янги йил деган байрам бўлмагандан, февралда ҳам пахтазорда жавлон уришармиди?! Бу кунлар бошқаларга азоб-уқубат бўлса ҳам, Содиковга айни муддао бўлди. Марра якинлашиб, муддат чўзилаверган сари терилган пахтага, кўракка тўланадиган ҳақ ошаверди, плаш дардида, пул дардида Содиков бир кун накд яrim тонна кўсак терди, терди эмас, сидир-

ди. Бу кунларда колхозчилар аллақачон ҳосилни йиғиширишиб, сандалларию печкалари атрофига ётволишган. Бошқа ташкилотлардан келган ҳашарчилар ҳам ўз қасбларига қайтишган. Шунинг учун ҳам бригаданинг чекка-чекка пайкалларига хеч ким бормай, ушук урган шифил-шифил күраклар ётибди. Содиков курувчилар қўлқопини кийволиб кўракларни роса сидирди. Ана пулу мана пул! Худди шу мўл-кўлчиликда, сал модадан қолган бўлса ҳам, нархи арzonлаштирилган дўкондан шу табаррук плашни сотиб олганди.

Мана, ўн йил тўлишига икки ой қолганда – ажалидан анча олдин жон топшириб ўтирибди. Топширгандаям душман қўлида шахид бўлди-ёв. Агар шу партком бўлмаганда, яна ўн йиллар хизмат қиласмиди. «Вой, қадрдоним, плашим», «Вой, яхши кунлардан қолган ёдгорим, плашим!» «Вой, пешона терим, олинмаган билимларим эвазига келган плашим!»

Аввалига гурр кулги кўтарилиди-ю, дарров ўчиб, ўрнини оғир жимлик эгаллади. Ҳамма ажойиб текин томоша бўлишини энтикиб кута бошлиди. Партком опа «қўрқсан олдин мушт кўтарар» қабилида ҳужумни бошлаб юборди:

– Эркак киши ҳам шунақа бўладими, икки ойдан бери кетидан қувиб юраман, шу икки яrim сўмни деб. Яна бу коммунист эмин!

– Ҳа-а... опа, бу Содиков деганларингиз менга каттароқ амаллар тегади, ~~служебный~~ «Волга»ларнинг орқа ўриндикларида ялпайи-иб юра-

ман деб ўтган-да, бу партияңгизга! – деб гиженгилай бошлади Вали домла.

– Садқаи амал кетсин, бунақа взносни түламай қочиб юрадиганларга! – жонланди партком.

Хамма хамон Содиковдан шиддатлироқ, урушни қиздирадиган, узокрок давом эттирадиган мөжарога сабаб бўладиган аччиқ-аччиқ гапларини сабрсизлик билан кутарди. Содиков хам анойилардан эмас: психологияни яхши ўқиган, ёзувчиклик маҳорати кутилмаган ҳолатларни келтириб чиқаришга уста қилиб қўйган. Бу ердаги ҳолатни жуда яхши хис қилиб турибди. «Сенларни бир боплай, томошага олган билетларингга куйдириб, томошасиз колдирай», деб вазиятга бутунлай бошқа томондан ёндаши.

– Опей, соғлифингиз яхшими? Хижолат бўл-япсизми? Унга арзимайди. Бу плаш ўзи эски эди, аммо 20 йилга мўлжаллаб олгандим, ажалидан 10 йил аввал бандаликни бажо келтириди, йўғ-э, шахид кетди. Қисқаси, беажал ўлди. Взносни эса, янги плаш олганда пулимдан ортиб қолса, тўлайман, – деди Содиков совуккон охангда ва дафтар-китобларини йифиштириб чиқиб кетди. Текин томошаталаблар билетларига куйганича қолаверишиди.

– Барибир йўлини топиб қочиб кетди-я, но-мард! – дея партком кетидан чопди.

## БУЗОҚҚА АЙЛАНГАН СИГИР

Содиқов нақд минг сўм пулни отасининг қора дерматин сумкасига солиб, уни олд ғилдирагида қаноти йўқ велосипедининг рулига осиб кириб келганда, онаси ҳовлидаги ёнғоқ тагидаги сунада, унинг талабалик даврида кийган қадрдан тўрт йиллик кўк шимини қирқиб, ямаб ўтиради.

— Ха, буви, бу шимимни қаердан топиб олдингиз? — деди Содиқов қувончдан очилиб кетган оғзини юмолмай. Онаси унга астойдил қарамагани учун хурсандлигини сезмади.

— Э-э, бу келинлар ҳеч нарсани эплолмай ўтиб кетишаркан. Оғилга кирсам, бир бўхча латта ётибди. Сени институтда кийган шиминг ҳам турган экан. Қара, орқалари сизилиб, илма-тешик бўлиб кетса ҳам, тиззасидан пасти бус-бутун. Унга жимниримнинг енгини уласам, синглингга дала-палага кийгани туппа-тузук, иссиққина лозим бўлади. Ие, ха-а, жуда ишшайиб қопсан, болам?

— Мана, буви, бир санаб маза қилинг! — Содиқов сумкани очиб, онаси томонга суриб қўйди.

— Вой, мунча, банкани ўғирлаб келдингми?! — онаси хавотир аралаш у ёқ-бу ёкка қараб қўйди ва аста сумкани ушлаб кўрди.

— Олувринг, буви, ўзимнинг ойлигим.

— Э, қўй-е, ойлик ҳам сумкада бўладими!

— Ха, бу сафар сумкада бўлди. «Чўрний касса» олдим. Эсингизда борми, бултур ҳам худди

шу пайтда бир сумка пул олгандим, домлалардан илтимос қиласан, хар йили биринчи навбатда менга беришади. Ўшанда кўк сигир олиб, уч ойдан кейин 200 сўм фойдасига сотгандик.

— Ха-а... уч ой ўтмай Оминанинг ўкишига сотиб берган сигирми... Майли, аммо «чўрний касса»нгга ҳеч тушунмайман-да.

— Хе-е... бувим тушмагур... Бу «чўрний касса» жуда яхши нарса-да. 10–15 та домла ойлик олишганда 100 сўмдан йиғиниб, битта домлага беришади. У домла унга ойлигини ҳам қўшиб, ё бизга ўхшаб сигир олади, ё мотоциклми, машинами олади, жуда бўлмаса, тўй қилади. Хуллас, битта улгуржи ишини битириб олади-да. Кейин хар ойда майдалаб тўлайверса, билинмайди.

— Шуни бирордан олмай, ўзинг хар ойда 100 сўмдан битта қутига ташлаб қўйсанг бўлмайдими?

— Уям бўлади-ю, ўша 100 сўмни ташлаб қўйдингизми, айланиб ҳам ўшанга қарайверасиз, ўргилиб ҳам қарайверасиз... Қисқаси, шу 100 сўмни олиб ишлатмагунингизча ўшанга яраша чиқим чиқаверади-чиқаверади. Хулласи, ҳеч тўпланмайди. Бирорда бўлса-чи, ҳеч иложи йўқ – берасиз, олганда маза қиласиз. Энди бу ёғига маслаҳат беринг, минг сўмга нима оламиз?

— Менга пальто оламиз, – деди боядан бери она-боланинг мунозарасини ўғринча эшитиб турган Омина синглиси. – Эски пальтомни мактабда ўқиб юрганимда олиб бергансиз, мана, тех-

никумниям битиряпман, рангиям ўнгиб кетди, охори тўкилди.

— Тўғри, пальтонг эскирган, олиб берамиз, олдин маслаҳат қилайлик. Буви, келинингизни ёзда олгандик, кишда оларсан, деб пальто олиб бермагандик, у бир баҳона бўлиб, аслида шулимиз етмаганди. Мана, иккита болали ҳам бўлдик, ҳалиям отасиникидан кийиб келган пальтосида юрибди. Кейин мени плашимам... — Содиков шариллаб йиртилган плашни аста онасининг ёнига қўйди.

— Ҳа, бўпти! Бу пулга эр хотин кийиниб олаверсин, — деди ю, синглиси ҳўнграб йиғлаганича ичкарига кириб кетди. Она-бала жим қолишиди.

— Буви, шу келаётган совчиларга қизингизни берайлик, кийим олиб беришдан ҳам қутуламиз, — деди Сотволди.

— Тўй қилсак, пальтосидан қутулармиз, аммо ўша тўй жонивор ҳам бекорга бўлмайдида! — онаси бўшашибди. — Кейин, келаётган совчилар ҳам анави мелиса боладан экан. Шу мелиса болани жиним сўймайди да. Қачон ўшани кўрсам, юрагим шувуллаб кетади... Уруш йиллари тоғанг магазинчи эди. Уч пачка чой учун қамаб юборишган. Ўшанда, мелисалар сутти идорасидан тоғангни қўлига занжир солиб олиб чиқишаётганда, мен қўришиб қолай деб, қўлимда тугун билан югурдим, тоғанг менга қараб кела бошлиди. Шунда иккита мелиса бола тоғангни туртиб-туртиб машинага чиқариб кетган, мен зор

қақшаб қолаверганман. – Онасининг кўзи жикка ёшга тўлди. – Катта тоғанг урушда, буниси қамокда, кичиги ҳали жуда ёш эди. Отам билан бувим уларнинг дардида кўйиб ётиб қолдилар ва узок яшамадилар.

– Энди... у пайтлар бошқа эди, кейин мелиса қамамайди, суд хукми билан қамайди, мелиса буйрукни бажаради, холос.

– Ха, қанақа бўлсаям мелиса машинага туртиб чиқаргани қўз олдимдан кетмайди.

– Келинг, буви, бўлмаса, бу йил ҳам битта яхши соғин сигир оламиз, сут-қатирини сотсак, уям даромад, кейин ҳеч ким хафаям бўлмайди, ўзига олиб, манга бермади, деб.

– Тўғри айтасан, болам... Ха, айтмоқчи, опангнинг қарзини бермасак бўлмайди-ку! Поччанг растрат қилганди, эсингда борми? Тезроқ уни жойига қўймаса, қамалиб кетаркан. Кеча қайноғаси келганди. Иложи бўлса, қўшиб беринглар деяпти.

– Биламан, менгаям айтувди. «Чўрний касса» олганимни эшитган-да, келини бизда ишлайди. Ҳақиқатан ҳам беришимиз керак... унда сигирга етмайди-ку...

– Етмаса гўрга, унда бузок олармиз. Айтмоқчи, Саттор ўртоғингнинг қарзини ҳам бермаган экансан. Уям укасини уйлантиряпти. Онаси айтмади-ю, шунга яқинлаштириб гапирди-да... Кейин Омон укангга велосипед олиб бермасак, ўт юлгани бормайман деяпти. Туврисиям, чўлга

борса, узокрок жойларда ўт кўп бўларкан, – санай кетди онаси.

– Буви, олинг, ўзингиз расамадини қилиб тарқатарсиз, – деб Содиков бўшашганича уйига кириб кетди.

Боши оғриб ётиб қолди.

## ҚУДРАТЛИ ПУЛ

Содиков синфдоши Асқарникига кириб борганда, у ерда қизғин баҳс кетарди. Асосан Машраб гапиради, бошқалар жим эшлишарди. Доимо шундай бўлади: тўртта синфдош тўпланса, албатта, улоқ Машрабда кетарди, улоқ ҳам пул тўғрисида. Баҳс қизиганидан Содиковнинг кириб келганини, салом берганини кўпчилик сезмади, факат Носир ёнидан жой кўрсатди: «ўтири», – деди.

– Вей, қара, тўртта сумкада кумортқидек аччик қалампирни аzonда «Алайский»га етказиб бориб, уч минутда пулини жараклатиб санаб олдим. Анави Холиққа ўхшаганлар пишиллаб ўрнидан тургунча уйга ётиб келиб, болаларим олдида каллагўшти билан чой ичиб ўтирдим, – деди Машраб ёнбошлиб ётиб ерёнгок чақаётган Холикни бир тутиб.

Холик деганлари салкам 150 кило келади. Деярли ўтирмайди. Фақат ётиб ейди, ётиб гаплашади. Уйига кирсангиз ҳам эркалабми, тантрабми, ётган ерида «Ке!» дейди-да оёғини сизга қаратиб кўтариб кўяди. Юргандаям (агар юрга-

нини кўриш сизга насиб этса) ўрдақдай лапанг-лаб зўрға юради.

— Ие, домлаям етиб келиди-да! — деди Машраб Сотволдига кўзи тушиб. — Ўша сумкадаги қалампирнинг пулига бунақа домлаларинг бир ой ишлайди, мел ялаб. Биласанми, домла, ўша тўрт сумкадаги қалампир қанча сокқа бўлди? Билмайсан! Билиб ҳам нима килардинг, барibir, Тошкентга бориб сен бу ишни қилолмайсан. Мен бир кунда икки мартаям пойтахтга бориб келяпман жойи келса. Биламан, сен ҳозир маърузангни бошлайсан. Нима дейишингни айтайми? «Пул — қўлнинг кири», «Хамма нарсани пул ҳал қилмайди», «Одамда қалб бой бўлсин, чўнтак эмас», «Бир қоп пул ечолмаган муаммони битта аклли одам ечолади...» Қани айт-чи, пулинг бўлмаса, ўша сен ўқиган институтга ким кира олади? Пулинг бўлмаса, сен касалхона каратовида ўлиб кетишинг мумкин. Ана, Али магазинчи 82 тийин ўмаргани учун 2 йил ўтириб келди. Пул топиб, жойига тиколмади. Соҳиб магазинчи эса машинасида 2 кишини уриб ўлдириб кетди. Пулинг кучи билан юрибди, ялло қилиб! 82 тийин 2 та одамдан ортиқ бўлибди. Ўлик эгалариям ҳеч нарса қилолмади. Уларниям оғзини юмишди. Анов мулланг пул учун нима қилди, айтайми?

Ёнида ўтирган Салим аста туртганди, Машраб жим бўлди ва гапни бошқа томонга бурди:

— Чойдан қўйсинглар, домла, — деди Сотволдига пиёла узатиб.

Доимо шундай бўлади: хеч ким унинг унини ўчиролмайди, Салимнинг биргина ишораси билан тўхтайди. Шу Салим деганларида қандайдир сехр бор. Энг кийин муаммо туғилганда ҳамманинг нигоҳи унга қадалади, у эса мийиғида кулиб, осонгина ечимини топади. Ҳозир ҳам Машраб муллага осилишни бошлаганда, унини ўчирди. Ҳаммага осилсаям, шу муллага ёпишмасин. Мулласиз маърака ўтмаса, ўлигинг кўмилмаса. Энг муҳими, қишлоқда энг покиза, ҳалол одам шу бўлса. Яна унинг юзида одамни ўзига жалб қиласидиган жозибасими, нурими бор. Гаплашсанг, ичларинг кенгайиб кетади.

Орага бироз сукунат тушгандай бўлди. Ҳар қандай холатда ҳам даврани қиздира оладиган, ҳаммабоп мавзуни топа оладиган Муҳаммаджон баҳсни футболга бурди.

— Кечаги «Барселона»нинг ўйинини кўрдиларингми? Бай-бай, бирам омадлари келган кун бўлибди-да. 90 минутлик ўйин факат ракиблар томонида бўлди-да, ўзиям.

— Э-э, шуям ўйин бўлдими?! Улар ракибларининг зўр ўйинчисини сотиб олган. Бугунги ўйинда уларга факат ғалаба керак, — деб яна гапни усталик билан шулга улаб кетди Машраб. — Ўша сен бақириб-чақириб, ҳаяжондан ёниб кўрган ўйинингнинг масаласи бир ой олдин ҳал бўлганди. Унда ё ҳакам, ё энг зўр голки-

шер сотилган. Келишиб олиб, стадионда сенга ўхшаганларга спектакль ўйнаб беришади. Мана, оддий мисол: ўзимизнинг Аҳмад пиённинг ўғли футбол мактабида ўқиди. 2-лигада ўйинга тушиш учун биласанми, домла, неча пул берди? Билмайсан! Сувдан қуй! – оғзидан оккан ичимликни кафтининг орқаси билан артиб давом этди Машраб: – Битта «Москвич»ни сотди. Бу 2-лигага кириб олишининг ўзига. Кейин ҳар ўйинга 300–400 «кўки»дан беради. Анов «Катар»га бориб ўйнаганда бор-будини совурди, шекилли. Сенлар буни ўйин деб томоша қиласан. Битта ахмок бўлса 4000 «кўки»ини сарфлаб, ўша ўйинни кўргани борибди.

– Машраббой, илтимос, вакт ҳам кеч бўлди, ошни ейлик, ўзингиз бир қўлбола қилиб дамланг, – деди Салимжон.

– Мен дамламасам ош емайсизларми? Майли, қани, кочегарим домла бўлсин бўлмаса, – деб Машрабжон ташқарига йўналди.

Домла Содиков ҳам бирор судрагандай бўлиб унга эргашди. Яна пул ҳакида анчагина гап эшитишини ўйлаб, «уф» деб қўйди.

Машраббой фақат пул ҳақидаги гапни эмас, ош дамлашниям қойиллатади. Айникса, ёнида Содиков гўлах бўлса. Хайрият, зирвак тайёр экан, пул ҳақидаги маъруза қискароқ бўлди. Ўшандаям хозирги кунда аёллар арзимас пулга берилиб бузилиб кетаётгани, нариги қишлоқда икки ака-ука отасининг пули билан уйини бў-

лишолмай пичоқбозлик қилишганини марок билан гапириб берди.

Шанбалик гапдан чиқиб кетишаркан, Машрабнинг: «Хў домла, сенам бирор кун мен билан қалампир сотгани боргин, ажабмас, пул ҳақидаги карашларинг ўзгариб кетса», деган гапи унга ҳам қаттиқ ботди, ҳам ўйлантириб қўйди. Ҳакиқатан ҳам, Содиков, мана, 4–5 йил ишляяптики (тeng-курлари ичида энг катта маони оладиганиям Содиков) бири икки бўлмайди. Доим қарз устига қарз олади. Ҳали уйларни ўнглаш керак, синглисини чиқариб, укасини уйлаш керак. Ўртоқлари аллақачон машина олишгаям улгуришган. Бунда бўлса, қанотлари пачоқ, фириллаб ичи ўтадиган велосипед бор, холос. «Ростданам, мактабдан бўшаб Машрабга шерик бўлсаммикан?» Боши котиб қолди. Ҳаёлга берилиб «Жигули»нинг сигналинг эшитмади. «Жигули» ойнасидан Фарход бошини чиқариб: «Хў домла! Коронифида кўчада кимга дарс ўтяпсиз! Йўл беринг, ўтиб кетайлик», дегандан кейингина йўлнинг ўртасида туриб қолганини билиб, ўзини четга олди. Шу Фарходни ҳеч иқи суймайди-да. Қачон карасанг гапида ҳасад, пичинг бўлади. Яна жим ўтиб кетавермай: «Фиркўкни минмабсиз-да», – деб кетади. Унинг арпасини қачон хом ўрган экан?.. Шу ерда Содиков эртагаёқ Машраб билан гаплашиб, савдони бошлишга ахд қилди.

## ЮТУҚ

Сотволди Содиков кириб келганда, ўқитувчилар хонаси худди чайков бозорини эслатарди. Ўртага узун килиб кўйилган, атрофида муаллимлар тизилишиб ёзув-чизув килиб ўтирадиган столга ҳамма ёпишиб, бақириб-чақиришарди:

- Ҳа, эшитдик, бизга берилган пачкада экан.
- Шунча одам текширдик, ҳеч кимни кинлашмади-ю?
- Орасидан беш-олтитасини олиб, бошқа ерда сотишган бўлишиям мумкин.
- Сўфиевда бўлса, у ҳозир Ялтада, ҳойнаҳой, сандикка солиб кетгандир.
- Содиковдаям бўлиши мумкин. У «чўрний касса» олган, бир пачкасини сотиб олган бўлса-я.
- Э-э... Содиков 30 тийинга лотерея оладими?! Корнига ейиш учун навбат шўрвага қўшилмайди-ю...

Содиков тушундики, лотерея ўйналибди, ютуқлар эълон қилинган газета келибди. Ана, ўртадаги газета бармоклар билан эзилаверганидан ёзувлари шувалиб кетибди, тешилган жойлариям бор... Содиковният атрофдаги гап-сўзлар қизиктириб қолди, чунки ойлик олаётганда унгаям завхоз мажбурлаб лотерея берганди. Ҳар доимгидек, бош тортди, аммо «бир сумка пул олган одам уялмайсизми, 1 сўм 20 тийин беришдан қочгани», деган танбехдан сўнг олганди. Завхозгаям қийин, районодан мажбур қилишаркан. Ҳеч ким олмаса, ўз-ўзидан завхознинг бўйнига тушаркан. Шунинг

учун Содиков, жонини суғуриб бергандек қилиб, 1 сўм 20 тийинни қуртдай санаб бериб, 4 та лотеряни жиркангандай олиб сумкага соганди. Олган-у, хар доимгидек, шунча пул сувга оқдию кетди, деб умидини узганди. Уйда уни хотинининг чигал соchlари тўзиб ётган жавон ғаладонига ташлаб қўйганди. Хозир у лотеря ўша ерда сақланиб қолганига ҳам ишонмайди. Шундай бўлса ҳам, газетага қараб қўймоқчи бўлди. Хар ишда тартиб-коида бўлишини яхши кўрадиган Содиков, кундаги қизик, эсда олиб қолишга, асаларда ишлатишга арзийдиган воқеаларни ёзиб берадиган ёндафттарчасига «Волга» ютуғи чиккан лотеря ракамларини ёзиб олди.

— Ҳа... Содиков ракамларни ёзиб олдики, демак, у ҳам осмон ёрилиб, лотеря сотиб олган, — деди кўрсаткич бармоғи билан пўписа қилмокчи бўлган одамдай Валижон домла. — Бугун уйда байрам эканда-а?

— Ну... «Волга» ютвоса, Содиков ойнадан тирсагини чиқариб қишлоқдан ўтиб қолса... Тасаввур қилолмаяпман... одамлар тахта бўлиб қолса керак.

— Содиков, ҳи-ҳи... ҳалиги «Волга» чиқса, анови рўли эзилган, қанотлари йўқ, ичи ўтиб кетадиган велосипедингизни менга совға қиласизми, ё миноврасизми? — ҳар доимгидек шилқимлигини бошлади Аҳмадали домла.

— Менга чиқса, бирорга билдиrmай сотворардим. Биласизларми, уч баробар пул берадиган раислар ҳам бор экан.

— Ўн баробар ҳам беради деяверинг. Вагонда пули бор-у, ошкор қилишга қўрқадиганлар кўп. Ойлиги 70 сўм, бир ойда миллион сўм лева топадиганлар бор. Пулини қаерга қўйишини билишмайди. Ютукка чиқди деса, олам гулистон-да!

— Нима қиласизлар сотиб?! Худо сизга теппатекин «Волга» берса, маза қилиб минмайсизларми? Даладан ўт ташийсизми, далага гўнг ташийсизми – бақувват жонивор.

— Ким айтди сизга, бизга «Волга» чиқди деб. Лотерея чиққандаёқ уни қариндошу таниш-билишларига тўғрилаб қўядилар.

— Нима деяпсиз, оғзингизга қараб гапиринг, деворниям қулоғи бор дейишади.

— Бўлса нима! Мана, элликка кирдим, биттам ютуқ олган одамни кўрганим йўқ. «Ютибди», «чиқибди» дейишади-ю, ўша одамни ҳеч ким кўрсатиб беролмайди.

Сизга фийбат бўлса бўлди-да, домла.

— Ютуқ чиққанда севинганидан юраги ёрилиб ўлганлар ҳам бор эмиш.

— Келинглар, яхшиси, аввал ҳаммамиз лотереямизни кўриб олайлик, ундан кейин баҳслашаверамиз.

— Ана, кўпчиликнинг лотереяси уйда бўлсаям, номери чўнтакларида экан. Яқинигаям йўламади. Энди эртага маълум бўлади: кимнинг уйидан «ютуқ чиқиб, ололмаганвой отам» деган йифи чиқса, ўша ютган бўлади.

– Нафасингизни иссик қилинг, ютайлик, минайлик, ҳамма ҳавас қылсин дейлик. Кимам ўларди...

– Кимам ўларди, дейсиз. 30 кун шимингизнинг кетини йиртиб консиект ёзиб, жағимиз тушиб дарс ўтиб, комиссиядан қўркқанимиздан, шимимизни хўл қилиб олган ойлигимиз 150 сўм бўлса-ю, чайковда 21 минг турадиган «Волга»ни 30 тийинга – 3 та ноннинг пулига сотиб олсангиз ёки ўн беш йиллик ойликни бир дақиқада олсангиз, сизнинг юрагингиз ёрилмай, менини ёрилсинми?

– Аммо чиқиши аникқа ўхшайди. Кичик но мерлар ҳаммамизнинг лотереямизда бир хил. Катта номер Ҳалима опада битта кам келди, холос.

Содиков ҳамкасларининг бемаънидан-бемаъни баҳсларини бир зум тинглаб турди-да, эртанги жадвалига назар солди: ўзгаришлар йўқ. Эълонлар доскасига кўз югуртирди:

Зокиржоннинг туғилган куни муносабати билан соат 18.00 да ош.

Мухлиса дарсга 20 минутга кечикиб келгани учун ҳайфсан.

Металлолом топшириш кераклиги ҳақида билдирув.

Зокиржоннинг туғилган кунига келмаса ҳам бўлади. Аҳмадали домла, завуч, завхозлар ичиб олиб кайфиятни бузишади. «Ичасан, ичмасанг хотин кишисан», деб ёпишиб олади. Ичсанг ичиб ўл, нима қиласан бирорвга осилиб, ўзинг 100 гр арок учун ҳамма нарсангни беришга тайёрсан-у, бирорвга илинганингга ўлайми!

Мухлисанинг ҳайфсани айни муддао. Унга қайноаси айбдор. У киши, ҳатто, дамланган чойни ўзи қуйиб ичмас экан, келин деганлари рўпарада ўтириб, қуйиб узатиши шарт экан. Ҳайфсанни эшитса, зора ўйлаб қолса.

Металлоломни синфи ортиғи билан топширган. Демак, уйга бемалол кетса бўлаверади.

Содиков тўғри бориб онаси билан саломлашмоқчи эди, жойида – супада онаси йўқ экан. Кейин қўйнинг ўт-сувидан хабар олмокчи бўлди. Бу гал одатини тарк этиб, ошхонага кирмади-да, жавон ғаладонини очди. Каттикроқ тортибдими, тарақлаб очилган ғаладондан хотинининг тўпча этиб қўйилган бир ўрам соч чигали сакраб ерга тушди: Содиков бир чўчигандай бўлди. Худди жонли нарса сакрагандай бўлди-да. Аммо лотерея қўринмади, қўлини тикиб, ичкарирокни титкилади, лотерея ўрнига хотинининг шпилькаси илашиб чикди. «Лаънати!» – деди-ю, қўлини тортиб олди. Содиков шпильканি сўқдими, хотининими, номаълум. Ҳар қалай, кайфияти анча бузилди.

– Лайло! – деб қичкирди.

Жавоб йўқ.

– Лайло! – жимлик.

Ўзининг хонасидан онасининг овози келди.

– Ҳа-а... нима бало, бақирасан?

– Келинингиз қани?

– Ҳа-а... анов қўйларнинг ўти қолмабди. Томоркага ўт юлгани ўтганди. Нимайди?

— Ҳеч нарса... — онаси баридир лотерея, унинг қўйилган жойи ҳақида ҳеч нарса билмаслиги аник.

— Айтавер, овқатинг қозонда турибди, чой — кўрпачанинг тагида. Овқатингни еб ол, унгача кеп қолар.

Содиқов овқат сяпти-ю, нимагадир ҳаяжонда. Ҳеч бунақа бўлмасди. Корни оч бўлса ҳам томоғидан овқат ўтмади. Бир пиёла чойни ҳўплади-ю, томорқа томонга юрди. Лайло куйиб-пишиб ўт юларди.

— Анавини қаранг, олчанинг шохи елимлаб, қуриб қолибди. Кесиш керак. Отам, қуриган дарахтнинг хосияти бўлмайди, дерди, — деди Лайлло маккага илашиб чиқиб кетган печакни юларкан.

— Ҳа-а... сенинг отанг кўп доно одам эдилар, — деди Содиқов Лайлонинг икки гапининг бирида отасининг исмини тиқиширишидан ғашланиб. Қизиқ-да. Керак бўлса-бўлмаса «отам унақа дерди, отам бунақа дерди» дегани-деган. Аслида, Лайлонинг отаси совчиларни бир йилгача сарсон қилганини эсласа, ҳамон Сотовлди ўзини босолмай қоларди. — Менга қара, жавоннинг ғаладонига 4 та лотерея қўйгандим, тополмаяпман, кўрмаганмисан мабодо?

— Лотерея-потарея билан нима ишим бор! Унга бирор нарса чиқармиди... Ие, тўхтанг, тунов куни ҳамма ёқни йиғишираётганимда анов бор-у... Халиги солиқ-полиқ қофозларини сак-

лайдиган папкангизга солиб қўйгандим, ютуқ чикмасаям, болаларга ўйин бўлиб қолар деб.

– Юр, топиб бер, ўтни кейин юлаверасан.

Лайло оғриниб эрига бир тикилди-да, жеркигандай қилиб:

– Мант, этакни кўтариңг, шуям етар биттагина тиррақи эчкингизга, – деди. Лайлонинг «тиррақи», «эчкингиз» сўзларига урғу бериши Содиковнинг ҳамиятига тегди-ю, аммо ҳозир унга яраша жавоб беришни лозим топмади: тезрок лотереяни кўриш керак. Ноилож чойшабни кўтармоқчи бўлди. Ўтлар ҳўл бўлгани учун оғирлик қилди.

– Кўтартириб юбор, отанг эр оғир юк кўтарганда ёрдамлашиш савоб амал эканлигини уқтирмаганмиди? – деди Содиков бир чақиб олиш имконини топганидан завқланиб.

– Жўнгина, кўтаришиб юбор, десангиз ҳам бўлаверади, отам раҳматли ҳеч бўлмаса гўрида тинч ётсин, – дея ёзғирди Лайло. – Бўшанг совчиларни юборган бўлсангиз, отам гуноҳкор эмас-ку!

Эр-хотин бир-бирини чақиб-чақиб ҳовлига киришди. Лайло бет-қўлини ювмасдан ҳам уйга кириб, лотереяни олиб чиқди.

– Мана, ўша лотереянгиз! Бунинг пулига беш кило картошка берарди, биз бир хафта қозон қайнатардик, – деди зарда билан ва эрининг қўлига тутқазаман деб тушириб юборди.

– Ҳали кўрасан, «Волга» ютсак, орқада ялпайиб юриб қоларсан! – деди Содиков ҳам ши-

рин, хам аччик аралаш. У лотерея йўқолиб қолган деб гумон хам қилганди, осонгина тошилиши сал аччиғидан туширди. Ютуқ чиқади деган ишонч ҳамон уни тарк этмаганди. Ҳовлида тик турганича дафтарчасидаги рақамларга лотереяни солиштира бошлади...

— Лайло... буви... — Содиковнинг кўзлари ўйнади, кейин бадани музлаб, кўз олди қорон-filaшди...

Аввал йиқилиб, тол айрисидан қилинган устунни ушладими, ёки аввал устунни ушлаб кейин йиқилдими... ҳеч ким билмай қолди. Хотини ва онасини бакириб чакирди-ю, овози чикмади. Чумаги синик обдастада кўл-бетини юваётган Лайло аввал сувнинг шилдираган, кейин обдастанинг даранглаб афнашидан эрининг чақирганини эшитмади. Ўзи у томонга қараб ювинаётган бўлса-да, сув парда килиб кўзини тўсиб қолди. Сувлар оқиб кетиб, кўзи очилгач, эрининг чалқанча ётганини кўриб қолди.

— Вой ўлай, дадаси! Буви! — деб чақирди шошилганидан эрини қандай кўтаришини хам билмай. Бу орада онаси кўлида чала кирилган ошковокни кўтариб чопиб келди.

— Ҳа-а... нима қиляпсизлар? — деди аста кўзини очиб Содиков.

— Хе ўлинг, сизга нима бўлди?

— Вой болам, давленанг ошдими?

— Йўғ-э, бўшашиб, оёғим тутмай қолди. Довдираб йиқилиб тушдим шекилли, — бироз узокларга тикилиб, ҳаммасини эслагандай бўлди.

- Ие! Буви! «Волга» ютдик!
- Э, қўй, болам! Юракни ёрвординг! «Волга»нг ҳам қуриб кетсин. Бор, овқатингни еб ол. Лайлохон, овқатини иситиб беринг.
- Вей, буви! Лайло! Мана, қаранглар, «Волга»!
- Кани... – Лайло аста эрининг қўлидан лотерея ва ёндафттарчасига ёзилган ракамларга қаради, хеч нарсага тушунмади.
- Кел-чи, икковимиз кўрайлик-чи, адашган бўлмай тағин. Манавини тираж чиққан газетадан кўчириб олганман. Мана – 0086197. Кичкинаси – 085. Ростдан! Қара!
- Вой, рост, буви! Ўғлингиз «Волга» ютибди.
- Буви, Омина қани? Қўриб қўйсин. Ўша суюнсин ҳаммаданам. Буви, ҳаммаси тамом! Э-э, йўқ, ҳамма азобларингиз тамом деяпман. Мана, қаранг! Ростдан ҳам «Волга», буви! Энди сиз «Волга»дан тушмай юраверасиз, юраверасиз.
- Қўй, болам, ўзларингга буюрсин! Ростдан ҳам ютган бўлсанг, буюрсин, болам. Отанг раҳматли эшакдан бошқа нарсани кўрмай ўтиб кетганди. Айтардим-у, болам, сабр кил деб, сабр қилсанг, Худодан астойдил сўрасанг беради, деб. Ана, ол, қулим, дебди... – Онаси кўз ёшларини узун енги билан арта-арта боласига яқинлашди. – Тўхта-чи, сен уни, анов латаряни неча пулга олган эдинг?
- 30 тийинга.
- 30 тийинга?! Ё Худо! Йўқ, буниси... буниси бўлмабди. Бунақа арzon нарсанинг хосияти

бўлмас. Болам, қўрқиб кетяпман. Буни бир балоси бўлмасин. Бизга ёқмайди, йўқ, юқмайди. 30 тийинга... Неча сўм дединг «Волга»ни?

— 18 минг. Жойини топсак, 21 гаям олади. «Большевик» ёки «Победа» колхозининг раислари билиб қолса, ўттиз минг бериб опкетишади.

— 18 минг?! Бу жуда катта пулми?

— Ха энди, буви, бу кечаги сумкадаги шулдан 18 та бўлади-да. Бошқача айтсак, 20 та сигир беради-да.

— Йўқ, йўқ! Бунақаси кетмайди. Яхшилаб қара-чи, адашмадингмикан?

— Карадим, буви. Келинингиз ҳам қаради. Мактабдагилар ҳам айтипиди, бизнинг мактабда сотилган пачкадан чиқади, деб. Ростлиги аниқ.

— Аммо буни — ютуқни олиш қийин дейишиди. Беришмайди деган гаплар ҳам бор. Яна... қўрқяпман, ёмон одамлар келиб... эшикларимиз омонат, маҳкамлаш керак... — Лайло йиғлашга тушди.

— Нима «аммо», нима «аммо»?! — овозини баландлатди Содиков. — Лотереяни олиб, ўзимизни ўлдириб кетади, демоқчимисан?!

— Унақа деганим йўғ-у, Хоразмдаги қариндошимиз шунақа деганди-да. — Лайло эрига мўлтираб қаради.

— Ҳе, ўша хоразмлик қариндошингдан ўргилдим. Уям сенга ўхшаб совуқнафас экан-да! Бор, янги кийимларимни тайёрла, тоғамникига, кейин юрист ўртоғимнинг олдига бориб келаман.

Сизлар ош қилиб туринглар, – деди Содиков анча дадил, салобатли охангда.

– Жуда түғри қиласиз, ўша юрист ўртоғингиз ҳаммаёқни билади. Аммо ошга сабзиям, гүшт ҳам йўқ. Гуруч... синик гуруч бор эди, – бир онасиға, бир Содиковга қаради Лайло.

– Топ, қўшниларникига кир, – янаям дадилроқ гапирди Содиков, аникроғи, кескин буйруқ берди.

Ютуқ кучини кўрсата бошлади.

## ЭСКИ БОЙ ЭГИЛДИ

Содиков дўстиникидан қайтаркан, йўлда велосипеди занжир ташлаб юборди. Уни соламан деб қўллари қоп-қора мойга беланди. Велосипедни йўлнинг ўртасида қолдириб, қўлларини ювиш учун ариқ бўйига борди. Лойга ишқаб қўлларини тозалагунча йўлда «Жигули» сигнал бериб тўхтади. Содиков ана-мана қилиб қўлини чала чайиб келгунча Фарход анча-мунча гапни тахлаб ташлади.

– Ха, янги бой! Ҳали «Волга»ни олмасданам йўлга хўжайн бўволдиларми? Ўтиб кетсан бўладими кўчаларидан, рухсатми? – Ёнидаги шериги бир туртиб нимадир деди, шекилли: – Ие, узр, кечирасиз, қуллук бўлсин! – деб сал юмшагандай бўлди.

Содиков бир аччиғланиб қаттиқрок гапиргиси келди-ю, «ке, шу билан teng келиб ўтираманми» деди ичидা:

— Куллук, барчага бўлсин! — деди кесатгандай охангда.

— Бизгаям бўп қолар, узр, шошиб турувдик, қўлингизни қисолмадик, аммо эшакка дўлана кўзмунчок таққандай бўларкан-да, — деди сал пастроқ овозда, лекин Содиков аник эшилди, ёнларидан ўтаётганда шеригининг Фарҳодни бир туртганиният кўрди.

Содиковнинг дили хуфтон бўлди. Ютуқ чиққандаги қувонч ташвишга, хавотирга айланиб кетди. Хаёлидан лип этиб «шуни ютмаган бўлсан яхши эди» деган фикр ўтди ва борган сари миясига ўрнашиб бораверди.

Ичкарига кириб ётгиси келмади. У ёнига ағнади, бу ёнига ағнади — ухломади. Охири ташқарига — супага чиқиб ётди. Ичкарида бувиси ҳам чироқни ўчирмаган экан, ухламаяпти, шекилли, уям. Бир маҳал дарвозанинг (буни дарвоза ҳам деб бўлмайди: тўртта тол ходани бирлаштириб қанор қоп қоплаган нарса) у ёнида машина тўхтагандай бўлди. Ким экан? Содиков хали кимлигини тахмин қилиб улгурмай: «Бой бува! Бой бува!» — деган овоз келди. Ҳеч ким Содиковни бундай атаб чақирмасди. Синфдошлиаридан бўлса, индамай кириб келаверарди. Содиков шошилиб кўчага чиқди. Ташқариди Фарҳод билан шериги гандираклаб туришарди. Қўлларида нарсалар бор.

— Бой бува, машинани ювайлик деб келдик,— деди шериги.

— Ичкарига киритасизми, ё янги бойлар эски бойларни менсимайдими? — кесатди Фарход.

Содиков Фарходнинг у кунги кучадаги муомаласини ҳазм қилиб улгурмаганди, энди буниси ортикча бўлди.

— Ха, киритмайман! Уйдагилар ухлашяпти. Машинани олиб келгандан кейин ювамиз, — деди сал хаяжон билан.

— Биловдим, домла, барибир, домлалигини қиласди. Кўрмаганинг кўргани қурсин! — деди Фарход.

— Фарход ака, сиз жим туриңг. Домла унақа демади, хақиқатан ҳам бемаҳал бўлиб қолди, кундузи келайлик, бемалол отамлашамиз, тўғрими, Сотволди ака? — деди шериги.

— Кундузиям, кечасиям керак эмас. Бор, йўлингдан қолма! — деди Содиков баттар аччикланиб.

— Кўрамиз, сен ўша «Волга»ни минармиксан! Юр, кетдик, ўша машинангниям, онангниям, хотинингниям... — деди Фарход.

Шунда Содиковнинг бошида олов ёнгандай бўлди ва бор кучи билан Фарходга ташланди, аммо Содиковдан анча бақувват бўлган шериги уни тўсив қолди. Фарход гандираклаб машинага караб кетди.

— Сотволди ака, ўзингизни босинг, у ғирт мастку, нима деяётганингиям, нима қилаётганингиям билмайди. Эртага гаплашайлик, ўзи узр сўрайди, — деди шериги.

«Оббо, бу бетавфиқдан қачон қутуламан ўзи!» – деди ичида.

У туш кўраётганга ўхшарди.

Содиков ухламай тонг оттирди.

## ЙИГИРМАТА СИГИР

– Жуда яхши! – деди юрист ўртоғи. Бу кичкина боланинг шапалоғидек ёндафтарчангга икки тийинлик қаламда ёзган рақамларинг расмий хужжат эмас. 5–10 кундан кейин банкка алоҳида мухрланган тираж келади, кейин лотерея экспертга жўнатилади. Сен менга учраб яхши қилибсан. Дарров бу лотереяни суратхонага олиб бориб суратини олдириб қўй, ҳар эҳтимолга қарши, керак бўлиб колиши мумкин.

– Ростлиги... Аниқлиги... Хуллас, ҳамма билади мактабда. Ютуқ аниқ бўлмай туриб, мактабда сотилган пачкадан чиққанлигини ҳамма билди. – Содиков энди янаем дадиллашиб кетди. Юрист сигаретини лабига киборона қистириб, дераза томондан ўртоғига ўгирилиб, ҳалқа-ҳалқа тутун чиқариб пуфлади... кейин томоғининг ичкарироғидан йўталиб, «FAQ» этқизиб оғзини тўлдириб чиқинди саватга тупурди ва аввал шифтга, кейин дераза ва эшикка жиддий тикилиб карадида, ўртоғига пастрок овозда гапира бошлади.

– Буни, анавини (бармоғини бигиз қилиб лотереяни кўрсатди) ҳамма билиб бўлгандир?

– Йўқ... Э- ха! Бувим билан хотиним билади.

- Расво қипсан! Илгаридан сен ўзи шошқалоқсан. Калланг доим кеч ишлайди, ҳеч ким билмаганда, ўзингга яхши бўларди.
- Нега? Мен қўй сўйиб, мактабга, қишлоққа тўй қилиб бермокчиман. Ахир, арзийдиган иш-да!
- Менга қара, чукча! Қўй сўйдинг. Ош қилиб бердинг. 500 сўмнинг бошига сув куйдинг. Кейин нима бўлади?
- Буям бир эҳсон-да!
- Мана, эҳсон! – деди юрист бош бармоғини икки бармоғи орасидан чиқариб. – Менга қара, ана, сен «Волга»ни олдинг. Уни олишгаям оз-моз пул кетади. Кейин ҳалиги тўйинг. Шунча пулинг борми? Хўп, қарз-қавола қилиб олдинг. Ҳали синглингга тўй қилишинг керак. Олдинги тўйдан қарзларингни узолганинг йўқ. Сенга «Волга» хар куни пул туғиб берадими? Савлат тўкиб юришинг, керилиб юришинг пул туғиб бермайди-ку! «Волга»да юриш учун унга муносиб кийим ҳам керак. Бу томонларини ўйладингми?

Содиков бироз бўшашибандай бўлди. Ростдан ҳам бу томонларини ўйламаган экан. Нима қилиш керак? «Волга»ни олмайман, дейдими?

– Ҳа, рост айтасан. Нима қилиш керак унда? – деди Содиков шашти қайтиб.

– Ҳеч кимга билдираманингда, ўзим пулини берардим сенга. Яна қимматрок нархда. Ҳамма ишларинг битарди, қарзларинг ёшиларди. Устига анави оқ тулпор – «Москвич»ни ҳам совға қиласдим.

Содиков «Волга» билан «Москвич»ни солишириб кўрди-ю, дўстидан сал ранжигандай бўлди. «Волга» қаёқда-ю, «Москвич» қаёқда! Аммо, ҳақиқатан ҳам, «Волга»ни миниб нима қилади? Молига ўт ташийдими? Ундан кейин қарзларини қандай узади? Юрист тўғри айтяпти – сотиш керак. Бозорда 18 минг деб эшитганди. Ростмикан? Дўсти «Москвич»ни бериб, устига қанча бераркан? Сўраш керакми, ё аччиғи чиқиб кетармикан? Банк, экспрет, югур-югур... ҳаммасини ўйлаб Содиковнинг боши айланиб кетди. Кимга маслаҳат солишини билмай ўйланиб қолди. Юрист ўртоғи билан савдолашини яхши эмас.

## ДЎКОНДАГИ УЧРАШУВ

Содиков қўшни райондаги ҳарбий хизматда бирга бўлган Акрамжонни эслаб қолди. «Дўконда ишлайман», деганди. Ҳозирам ишлармикан? Бир бориб келсаммикан, яқин ер-ку...

Туман марказидаги автошоҳбекатда тушиб, кексароқ кишидан сўради. Чол Содиковга бошдан-оёқ разм солгач:

- Унда нима ишингиз бор? – деди.
- Армияда бирга хизмат қилгандик. Бир йўқлаб кетай, деб келгандим. Кўришмаганимизга ҳам 5–6 йил бўлди-ёв.
- Ҳа-а... ҳув анави бинони кўряпсизми? Унинг ёнида арок дўкони бор. Ўша ерда хўжайин у. Бутун районга арок-вино ўша ердан тарқайди, – деди чол.

Содиков дўконга кирганда 3–4 та йигит, 2 аёл арок-виноларни санаб сумкаларига жойлаштиришарди. Иккита сотувчи бола уларни санаши билан овора. Нарироқда иккита бақалоқ ҳиринг-ҳиринг қилиб, қизғин сухбатлашарди. Иккаласиям пуфлаб шиширилган шардай: тирсиллайди, сал төгсанг ёрилгудай. Содиковнинг дўсти эса кўринмасди.

— Ука, Акрамжонни кўрмадингизми? — сўради Содиков ёшроқ боладан. Бола эса бир Содиковга, бир бақалоқлар томонга қараб ишини давом эттираверди ва бир муддатдан кейин Содиковга юзланди:

- Акрам акани танийсизми ўзи? — деди.
- Ҳа-а... йўқ, — хижолатомуз деди Содиков.
- Ана, ўзлари, — деди бола оқ футболкага тўлиб турган бақалоқни кўрсатиб.

Содиков аста юриб, бақалоқнинг ёнига яқинлашди.

- Кечирасизлар, Акрамжон, мумкини? Хар икки бақалоқ Содиковга бошдан-оёқ разм солди. Оқ футболкадагиси ижирғангандамо:
- Нима ишингиз бор Акрамжонда? — деди астойдил тикилиб. — Ие, Содиковмисиз? — деди.
- Акрамжон! — Содиков дадил яқинлашди ва Акрамнинг узатган қўлини маҳкам кисди.
- Э-э... Содиков, бормисиз?! — деди Акрамжон дўстининг қўлини қўйиб юбормай ва ичкарига бошлади. — Жони, Зитани чакир, — деди.

Зум ўтмай қора юбкада (уни икки энлилигидан юбка деб ҳам бўлмасди. Кофта деб аталмиш,

поклик рамзи бўлган оқ кўйлак ҳам, кўйлак деб номланганига минг пушаймон – на чоки бор, на тугмаси. Хуллас, онасидан қандай туғилган бўлса, шундайича кўринишга аҳд қилган) қизми, жувонми кириб келди.

Содиков қизларга, айникса, бегоналарга қарашга унчалик ишқибоз бўлмаса ҳам, бу аёлга беихтиёр қараганини билмай колди: нафратми, қизиқиши... унинг корейсларникига ҳам, қирғизларникига ҳам ўхшаб кетадиган юзигаям кўзи тушди. Кўз олдига онаси, синглиси, икки ёшга етиб-етмаган қизчаси тушди-ю, хижолатдан қизариб, юзини дўсти Акрамга бурди. Акрам эса «қалай хонимчамиз?» дегандай муғамбирана иржайиб қараб турарди, у Содиковнинг тикилишини ўзича ишқибозлик, хавасга бурганди.

Шундай килиб, Содиков то ўтириш тугаб, уйига қайтгунча ҳам Зитанинг юзини кўролмади – қаролмади.

– Оббо, дўстим-эй. Ёнма-ён яшаб ҳам бирбirimизни кўролмасак-а! – деди Акрам зумда тузалган дастурхондан пиво, арокларни олиб кетма-кет очаркан.

– Кўрмайсизми, иш, бола-чақа деб одамгарчиликни ҳам унутиб юборамиз, шекилли, – деб ўзини оқлаган бўлди Содиков. Бу орада Жони дастурхондаги газакларни у ердан-бу ерга олган бўлди.

– Мехмонни таништирмайсан ҳам, – деди қазини парракларкан Жони.

— Ха-я, кара, мен сизларни худди эски қадр-донлардай хаёл қилибман,— деб Акрам зарҳал пиёлачага конъяк қуиб Содиковга узатди. — Мана, танишиб олайлик. Бу — Содиков, ҳарбийда икки йилгачаям унинг исмини бирор билмаган, гапнинг рости, мен хозирал билмайман. Ҳамполкмиз. Битта расчетдан эдик. ПВОда. Ўзиям иккаламиз қушдай учардик-а, тревогада. Ракетамиз земля-воздух эди. Тревога берилгач, 7,5 минутда учиринимиз керак эди, биз 7 минутга қолдирмай отардик-а, дўстим. Мана, энди қара, 7 минутда отиш у ёқда турсин, 1 соатда дивандан тушолмаймиз.

— Ха-а... армия ажойиб нарса-да! Ҳамма нарсага ўз вақтида улгурадик. Соғлиқнинг жойидалигини айтмайсанми? Мингта боладан ўнта касал чиқмасди... — Ширин хотираларга берилди Содиков.

— Бу — Жони. Ёнимиздаги Универмагнинг шефи, — танишириди Акрам. — Қанақа муаммонг бўлса, зумда «есть» қиласи. Айтмоқчи, жужуқлардан нечта? Тўй-пўй қиласи деганинг йўқми? — саволларни қалаштириб ташлади Акрам.

— Улар хозирча иккита, холос... — Содиков бирор ўйга чўмди.

— Қани, полкдаги яхши кунларимиз учун, бугуниги учрашув учун олдик! — Акрам жонон пиёлаларнинг жарангидан завқланиб икки-уч бор уришириди.

Ўтириш қизигандан-қизиди. Содиков деярли ичмасди, аммо бу қайнок кутиб олиш, сами-

мий сухбат олдида «ичмайман» дейишига хижолат бўлди, бир-икки пиёлани ичворганини ўзиям билмай қолди.

— Мана шунака, дўстим, шу каталак бизники. Қачон йўлинг тушса, бир калла тиқсанг бoshimiz кўкка етади, — деди Акрам аввалам ўзи қип-қизил бўлган юзи янаем қизариб қолгач. — Аммо жуда хурсанд бўлдим-да, ошна, сени жуда кўргим келиб юрганди... шу келишингга мукофот қилиб Зитани сенга совға қилайми?

Содиков аввал шунчаки ҳазил деб, бу гапни жавобсиз қолдирди.

— Нима, ёқмадими? Сени хафа килмайди. Хонамизни кичкина дема, ичкариси кенг: сауна, ётоқхона — ҳаммаси «есть!» — деди Акрам чайқалиб.

— Э-э... йўғ-э... мен... мен... ўзим сени кўрай деб келгандим... домлаларга... коммунистларга бунақа ишлар тўғри келмайди... — Содиков ишнинг жиддийлашганидан чўчиб... — Мен шошиб турибман, кейин зарур ишим бор эди... — деб максадини айтмоқчи эди, бегона одам — Жонининг олдида гап очишдан ўзини тийди.

Буни сезган Акрам:

— Айтавер, Жони иккимиз бир одам. Иккимизнинг ўртамиизда ҳеч қандай сир-пир бўлиши мумкин эмас... Ҳатто, хотиним билмаган сирни ҳам бу билади, — деди чайқалиб унга конъяқ узатаркан. — Ёки ҳозир партиядан ўчириб юборайликми? — деб ёлғондакам пўписа килди.

– Шу... шу... – Содиков сал кайфи ошса ҳам ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб, ҳамон бегона одам олдида айтгиси келмасди.

– Нима дейсан? Тўйингга ароқ керакми? Нечта? Зўриданми? Импортиданми? Ҳаммасидан бор!

Бу ҳолатда гапириб бўлмасди, аммо Акрам гапирмаганигаям қўймайди.

– Шу... мен «Волга» олдим, э-э йўқ, лотереяга ютвoldим.

– Ну что, тўйми... Ҳамма харажат мендан.

– Йўқ, тўй демади, «Волга» деди, – деб Жони сал ҳушёр тортди.

– «Волга»ям бераман тўйингга.

– Йўқ! Шеф, дўстингиз лотереяга «Волга» ютвобди.

Акрам бир зум жим қолди. Кўлидаги пиёла аввал столга, кейин полга тушди – синмади, уни бир тениб нарига думалатди.

– Нима? «Волга» ютвoldим? Сен-а? Домла-я?

– Ҳа, дўстим, шунаقا бўп қолди.

– Ростми? – деди Жони секин. – Шу ўйиндами?

– Ҳа, кеча кўрдик. Мактабга икки пачка берган экан, менга чиқди, тўртта олувдим, – Содиков анча ҳушёrlашди.

Ҳар икки дўст – Жони ва Акрам аввал бир бирига қарашди, кўзлар тиллашди, сўнг Содиковга юзланиши.

– Қани, тур! Битта ўпай.

Учала улфат ўпиша кетиши. Бунақа ўпичбозликларни кўравериб пишиб кетган Зита қўлидаги кабобларни индамай столга қўйиб кетмокчи эди. Акрамнинг кўзи тушиб қолди.

— Зи... Зита! Дўстимни ўп! Табрикла!!! «Волга» ютибди, — дея Зитани Содиковга ёшиштирди. Унга нима — одатий ҳол. Бориб Содиковнинг оғиздан енгил ўпиб қўйди. Содиков ширақайф бўлса ҳам уятдан дув кизариб кетди.

Зита чиқиб кетди. Ҳамма бир зум жим қолди. Орага тушган сукунатни Содиков бузди:

— Шунга маслаҳатга келгандим.

— Ҳм-м..., маслаҳат, маслаҳат. Маслаҳатни нима қиласан? Ол!

— Олишга-ку, оламан, шу... чиқими бор дейди. Ундан кейин уни мен нима қиласман? Айтиш нокулай, тўйда унча-мунча қарз бўлиб қолганман, — чайналди Содиков.

— Ҳм-м... тушундим, — деди янаем ҳушёррок бўлиб қолган Жони. — Буни бафуржа ўтириб гаплашиш керак экан. Қани, шеф, нима дейсиз? Дўстим «Волга» ютибди. Масалаҳат сўраяпти.

— «Волга» бўлса, «Волга»да, қани, куй ўшани, ювамиз, — деди Акрам оқ футболкасиға оқиб кетган алланарсаларни сидириб ташларкан.

— Йўқ, дўстим, бу жиддий иш, шошилмасдан ҳал қилиш керак, ювиш қочмайди, — деди ҳушёр тортиб Жони. — Қани, ўзингиздан эшитайлик, дўстим, бирор қарорга келгандирсиз?

— Бошим қотиб қолди: бирор ол дейди, бошқаси сотвор дейди... — Содиков чайналди.

— Сотиш ниятингиз ҳам борми? — янайм дадиллашди Жони. — Агар сотмоқчи бўлсангиз, овоза қилмай туриш керак-да. Сиз хеч кимга айтганингиз йўқми?

— Эшитиб бўлишиди, шекилли... — хафсаласи пир бўлгандай бўшашиб гапирди Содиков.

Бу орада Акрам хурракни баралла қўйиб ухлашга тушди.

Яна газак олиб кирган Зитани Жони уйига жўнатиб юборди.

— Бугун сенга дам — отдиҳ.

— Шеф ором олсин, юринг, унга халақит қилмайлик, ташқариға чикайлик, — юзига фотиҳа тортиб Жони ўрнидан турди, Содиков ҳам сал чайқалиб унга эргашди.

Ташқарида одамлар сийраклашган, қуёш ҳам ботганди. Содиковнинг уйга кайтгиси келди. Автобуслар ҳам тўхтагандир, бирон йўловчи юқ машинага илашиб қоларман деб ўйлади. Аммо дўстини шу ахволда — дастурхонга бош қўйган ҳолда ташлаб кетишга иккиланиб қолди. Яна, келишдан мақсади — ютуқ масаласи ҳам чала қолди. Нима қилиш керак? Нимагадир шу ерга келиб чакки қилибман, деган хаёл миясига гуп этиб урилди.

— Ошина, кеч ҳам бўлиб қолибди, мен кетсамми дегандим... — иккиланиб деди Содиков.

— Ие, ҳали мен сизни меҳмон қилганим йўқ, хеч қаерга жўнатмайман. Бу ўтиришимизнинг бош-

ланиши холос, кетдик, бизнинг дўкончамизга, – Содиковни судрагудек қилиб бошлади Жони.

Унинг кўлини силтаб ташлашга Содиковда журъат етишмади, жўяли баҳона тополмади, юришга истак йўқ, ноилож аста эргаши.

Жонининг хонаси универмагнинг иккинчи қаватида экан. Деразалари кўчага қараган: бир томонидан прокуратура, бир томонидан милиция бўлими кўриниб туради. Бу ер росмана рўзғордек: ётот дивани, ювениш жойи, билярд столи...

– Қани, ошна, бемалол ечиниб ўтириңг. Хизматга ҳеч қанака Зита-Гиталарни чақирмай ёлғиз ўтирамиз, ҳамма нарса тайёр, – деб сөвиткичдан яхна гўшт, колбаса – газакбоп нарсаларни олди. Яна бошланди: арок, конъяк, пиво, газли сув, сигарет... – Оббо, дўстим-эй... Бир зумда «Волга» ютволдим денг! Аммо, сотишга қарор қилиб яхши қилибсиз. Рўзғорни тиклаш учун жуда зўр нарсани ўйлабсиз. Айтишингизча, қарз-қурзингиз бўлса, машина мингандай ҳам бўлмайсиз. Машина – нуқул чиқим, айтишади-ку, «иккинчи рўзғор» деб. Бу дўстингиз тезда кайф бўладиган одат чиқарган. Икки стаканга думалаб қолди. Ишлари сал юришмай қолиб, асаблари чарчадими, озгина исча ҳам, маст бўлади. Копда пул санаб ўрганиб қолган одам ҳозир оз пулга чидамаянти. Иккичу марта қармоққа тушди-да, ўзиям. У ёқ-бу ёққа қараб ишла дедик, кулок солмайди, –

Жони ўрнидан туриб деразадан ташқарига назар ташлаб келиб, Содиковга конъяк қуиб узатди. – Олинг, дўстим, танишганимиз учун ичайлик. Йўқ, бунақаси кетмайди. Ха, балли...

Содиков оз-моз ичган бўлди. Негадир бу йигитдан чўчий бошладими...

– Дўстим, мен кетсам яхши бўларди-да. Уйдагилар хавотир бўлишадиган бўлди-да. Яна эртага дарсга бориш керак, оз-моз тайёрланамиз хам, – деб баҳона қидира бошлади.

– Ие, ҳали мактабдан хавотир оляпсизми? Яшанг-э! РайОНО мудирларинг ким эди, анави бақалоқ Ҳошимовми ҳалиям? Ҳозир бир тилпон қилсам етиб келади. Чакирайми? Сизга бир ойга рухсат беради. – Жони ўрнидан туриб телефона юра бошлади.

Содиков мудир номини эшитиб юраги ёрилаёзди. Муаллимлар уни кўриш у ёқда турсин, номини эшитгандәёқ ўтириб қолишади: жуда салобатли, айтганини қиласиганлардан.

– Э-э, йўқ, йўқ, бошқа ишлар ҳам бор...

– Уйга шошяпсизми? Мен дўстингизга ўхшаб Зита-Гиталарни эмас, онаси ўпмаганларни шу ерга чақириб бераман истасангиз.

Содиковнинг чинакам кайфи тарқаб, ўзидан-ўзи ваҳимага туша бошлади. «Қаерга келиб қолдим?»

Жони яна бир бор деразадан ташқарига қараб келиб, Содиковга яқинрок ўтирди, елкасидан қучиб, юзидан чўлл эткизив ўпиб олди-да, ўзининг бетини унга тутди.

— Кани, чинакам дўстлик учун бир ўпид қўйинг-чи! — Содиков ноилож тирсиллаб турган бетдан биттагина, енгил ўпич олди. — Хўш... келинг, бир эркакчасига гаплашайлик. Мен сизни тушундим. Ишни ими-жимида битирмоқчисиз. Гапнинг қисқаси, дўстингиз «Волга»ни ололмайди, ўзи омонат бўлиб турибди. Уни хижолатга қўймайлик. Мен ўша ҳамма қарзларингизни узай, қанча ўзи?

— Шу беш-олти юз сўмга боради-ёв.

Жони сонларига уриб, ясама кулги килди:

— Э, қойил-э! Мен 5–10 минг деб юрибман. Бўлди! Қарзларни узамиз. Янги «Москвич»ни бераман. Камига оғзингизга сикқанича пул оласиз. Яна камига қачон тўй қилсангиз, латта-путталари биздан. Келишдикими?

Содиковнинг боши ғувуллаб, кўз олди жимирашиб кетди. Айтилган гапларнинг ҳаммасини қабул қилолмади. Қанча пул? Қанча латта? Яна янги машина. Ҳеч хисобига етолмади. Яхшиси, воз кечишни афзал билди.

— Йўғ-э, мен дўстимга — Акрамжонга вавда қилдим... — чайналди Содиков.

— Ошна, мен сизга нима дедим! Уни ҳеч қанақа шанси қолмаган. Ундан кейин у аллақачон маст бўлиб, накаут бўлди. Сизни нимага келганингизният билмайди. Мени айтди дейсиз. Уйғонганда сўранг, билмайди. Кейин менга берганингизни айтмайсиз, мен ҳам фик этмайман. Ундан кейин... мени номимга олмаймиз, узок қишлоқдаги

қариндошларимиз ютган бўлади-да, кейин менга расмийлаштирамиз...

Содиков ярим тунгача бу ердан туриб кетолмади, журъати етмади. Бир маҳал қовоқлари шишиб Акрам кириб келгандагина вақт алламаҳал бўлганини билишди.

— Дўстим, яхши ётиб турдингми, сени безовта қилмайлик деб бу ёққа чикволдик, — деди шошилиб Жони.

— Ҳай, майли, ўчиб қопман шекилли. Дўстим, уйлар тинчми? Қани, энди уйга борамиз. Онам, болалар билан кўришарсан... — деди Акрам хижолатомуз.

— Ошна, раҳмат. Мен бирровга келиб, шунча ўтириб қолдим. Энди уйга қайтай... Шу... энди... — Содиков оғиз жуфтлаётганда, Жони хавотирланаб гапни илиб кетди.

— Дўстим, Содиков уйга айтмай келган экан, кейин дарсимга тайёрланай деяпти. Унака бўлса, рухсат берайлик. Автобуслар ҳам ётди. Иложи бўлса, ташлаб қўяйлик. Сен пишиб қолдинг, шекилли... ўзим элтиб қўяйми ё... — Жони Акрамнинг хўмрайишидан хавотирландими... гапни қисқа қилди.

— Раз кетаман деса, нима қиласдик. Ташлаб қўямиз-да. Пишиб қолган бўлсамам дўстимни ўзим олиб бораман, — гандираклаганнамо ўрнидан турди Акрам.

Улар ташқарига чиқишганда вақт алламаҳал бўлган. Акрам дўконга кириб чиққунича яна

Жони иккиси ёлғиз қолишиди. Пайтдан фойдаланиб Жони яна гапга тушди.

— Ана, айтмадимми, унинг ҳечам хаёлида йўқ. Тушунмаганам. Сиз эртага ўзимнинг олдимга келинг. Лотереяни олиб келинг. Ё ўзим борайми?

— Ўйлаб кўрарман, — бўшашди Содиков.

## ЙЎҚ ҲОМИЛАГА УЙ-ЖОЙ

Жони билан Акрам Содиковларникига етиб келганда эшик тагида раиснинг «Волга»си, иккича велосипед туарди. Мехмонлар уйга киришни насия қилиб қайтвoriшиди.

Содиковни ичкарида беш-ўн киши армиядан келган солдатдай кутиб олишиди.

Содиков оз-моз кайфи борлигидан хижолат бўлиб онасига, болаларига яқиндан кўринмасликка ҳаракат қилди. Ўзиям ичмаганига бешолти ой бўлди-ёв.

— Мунча, йўқ бўп кетдингиз? Қанча одам келиб-кетди, ҳаммаси сўрайди, нима дейишимизни билмаймиз. Мактабдагилар ўтириб-ўтириб кетвoriшиди. Бегона кишиларам келди уч-тўртта. Олдиларига қўйгани на нон бор, на бир ликон ширинлик, роса уялдик, — тинмай жаврарди хотини.

— Яхши, яхши... — Содиков озгина кайфи ошса, факат «яхши, яхши» дерди, хотини буни эшишиб эрига ялт этиб қаради-ю, энди оғиз жуфтлаганда Содиков олдини олиб:

— Бор, магазиндан насияга қанд-курс, қотган бўлсаям нон олиб чиқ, эртага ҳаммасини уза-

ман, – деб нари кетди. Мехмонлар билан бирмабир сўрашиб, супа четига омонатгина ўтирди. – Айбга буюрмайсизлар, кутилмаганданда бир қариндошимизниги чакириб қолишиди, у ерда ушланиб қолдик, – деб дастурхонга бирров кўз югуртириди: дастурхон ноз-неъматлар билан шошилинч безатилганди. Омина синглиси чой дамлаб келди, оғзи қулоғида. – Мен ҳозир, – деди-ю, Содиков онасининг ёнига борди. – Буви, зиёфатни бошлиб юборибсизлару-а... – деди саволомуз.

– Э-э, анов бор-у, раиснинг ўнг қўли, кўрдингми? Ўша ўтириб-ўтириб уялиб кетди, шекилли, бир зумда алланималарни кўтартириб келди иккита болага. Амакингникида қўй ҳам сўйдиряпти экан, бу ер тўполон бўлмасин деб, – деди бувиси оғзининг ярмини тўсиб гапиравкан. – Нима бало, бир балоси йўқмикан, болам, қўрқиб кетяпман.

– Буви, келинингиз янги тўшаклариданам олиб чиқсин, умримизда келмаган одамларам келишибди. Яна, иккита йигитни танимадим?.. – деди Содиков ўзини янаем узокроқда ушларкан.

– Бор, болам, сен уларни олдига бор. Ҳозир тоғанг гўшт-пўшт олиб келади, шўрва соламиз, – деди бувиси янаем пастрок овозда.

– Хуш келибсизлар, меҳмонлар, хуш келибсизлар... жуда яхши бўлди-да, келганларинг, – дея Содиков меҳмонларга назар солди. Анависи раиснинг ўнг қўли – ҳамма нозик ишлар шу одам орқали битади. Ёнидаги пўрим кийинган,

зимдан қараб ўтирган икки йигит бегона, корача, ориқ киши холасининг эри, анави сап-сариғи тоғасининг қайноғаси, четроқда оёғини чалиштириб ўтирганлари синфдошлар...

— Машина бўлганда калити ювиларди, энди лотереяни ювса йиртилиб кетар, яхшиси ўзингни сувга ташлаймиз-да, а, дўстим. Зўр бўлди-да, — деди синфдоши. — Магазинлар ёпилмай туриб ғамингни еб қўйдингми? Мана, биз хамиртурушини олиб келганимиз, — деб қўйнидан битта «Московское»ни олиб дастурхонга қўйди.

— Бор, пиёз-миёз олиб чик.

— Кўрдингми, Содиков, кечагина сенга «пул жаноби олийлари»га қандай хурмат кўрсатишни ўргатгандим-а! Ростини айт, мен айтганларни қилдингми? Бекорга сенга бунака омад қуши келмаган, — Машраб Содиковнинг елкасидан кучиб ҳовлида у ёқдан-бу ёкка судрайди. — Мана шунака! Энди сен тонг отгуунчаям санасанг тугамайдиган пулга эга бўлдинг. — Машраб тинмай жаврар, унга сари Содиков меҳмонлар олдида хижолат бўларди. Чой олиб чикиб қуиши билан Машраб қучоқлаб олиб ўпадими-ей, айлантириб туриб оёғини ерга урадими-ей! Охири тоғаси уни бир четга олиб қулоғига бир нарсалар деди, шундаям оғзи ёпилмади. — Тоға, сиз бир синаб кўринг! Пул бу Худонинг бандаларига берган катта неъмати, — энди тоғанинг елкасига қўлини қўйиб, унга маъруза ўқишини бошлади. — Бу — бир. Иккинчиси, пул давлатнинг катта ҳужжати.

Ким унга ҳурматсизлик қилса, Оллоҳ жазолайди – пулсиз қилиб қўяди. Ким унинг қадрига етмаса, яхши сакламаса, давлат ўтқизиб қўяди. Мени биласиз-а, ёлғиз ўғилман. Бигта ўзим нечта қизни чиқардим, ўқитдим, уйниям гулдай қилиб ўтирибман. Ишлайман, керак бўлса, итдай саккиллаб пул топаман ва уни ҳурматини жойига қўяман ҳам. Ҳар куни кечқурун бир соат вақтимни пулга ажратаман. Фижимланганларини текислайман, йиртилган жойини чой қофоз билан ямайман, оқини оқ, қорасини қора қилиб тахлайман. Жойи келса, номериниям тартиб билан териб чиқаман. Охири эркагини эркагига, хотинини хотинига жуфтлаб тахлайман. Шунинг учун менга пуллар дарё бўлиб оқиб келаверади. Анов пулнинг оқ ерига қаламда, ручкада ёзиб қўядиганлар бор-у, уларга бир тушган пул қайтиб бормайди, қариндош-уруғларига ҳам: «Зинҳор Ақмал кассирга борманглар, у бизни ҳурмат қилмайди, оппок бетимизга сиёҳ чаплайди» деб тайнинлади. Бу пул... «пул... жаноби олийлари» жуда ажойиб дўстда! Бир сирини билиб, ҳурматини жойига қўйиб, ичига кириб олсангиз, сиз уни эмас, у сизни қувиб юради. Ана, қўшнингиз Хайрини қаранг, оиласида беш-олти киши эшшакдай ишлайди. Бири икки бўлмайди. Нега? Кеча магазинда савдо қилиб, чўнтағидан бир сиким пул чиқарди: вей, ҳаммаси фижимланган, эзилган, «дод» деяпти, аник эшитдим. Чидамай кетдим. «Хой, Хайри, – дедим, – пулнинг ахволини қара, сал ҳурматини қилсанг

ўласанми?!» – девордим. Нима дейди, денг. «Пулга мен эмас, нул менга ачинсин, мени хурмат қилсин. Бир соатда келиб кетадиган пулни нима қиласман тахлаб, мен нулга сажда қилмайман», – дейди. Вей, котиб қолдим. «Бор-э, пул күр қилсин», – дедим ичимда. – Тоганинг ҳам боши оғриб кетдими, бошка қутулиш чорасини тополмай:

– Машраббой, зўр гапларни гапирдинг, бугун дам ол. Эртага Содиковинг «Волга»ни олиб пуллари кўпайса, бирга тахлаймиз, – деди зора кетса деб.

– Вей, тоға, ичим экансиз! Юринг, мен сизга пулларимни қандай тахлаганимни кўрсатаман, – деб Машраб тоғани кўчага бошлади. Бу орада меҳмонлар келиб қолиб тоганинг мушкули осон бўлди. Машраб яна Содиковга ёпишиди. – Вей, ошна, зўр бўлди-да, сенга айтмовдимми «пул жаноби олийлари»ни хурматласанг...

– Хозир-хозир, дўстим, – деди Содиков меҳмонлар билан салом-алик қилиб олиш учун шошилди. Шу билан бирга, дўстининг одатини биларди – бир пиёла ичса, алжираб ҳамманинг таъбини тирриқ қиласарди.

Давра турли тоифадаги, илгари борди-келдиси бўлмаган кишилардан бўлгани учунми, хеч қизимади. Сабри чидамаган синфдоши ароғини очиб майшатни бошлаб юборди. Ҳар ерда гапини ўтказиб юрган раиснинг югурдаги (унинг исмини хеч ким билмайди, ҳар ерда «хўжайин» деб чакиришади) бир косагулга, бир бошқаларга

караб чиқди-да, нимани ўйлади экан: «Хай, олайлик бўлмаса», – деди. Шу билан ўргадаги бегонасираш, бир-биридан хавфсирашга барҳам берилди.

Содиков онасидан хижолат бўлдими ё бошқа сабабданми, бир қултум ҳам ичмади. Сўйилган қўй опчиқилиб, овқат ҳам пиширилди, ол-ол, торт-торт билан меҳмонлар тонгга яқин тарқалишиди. Икки индамас меҳмон ҳам туз totмаганича хайрлашиди. Ўзларини таништиришмадиям, бирор сўрамадиям.

Меҳмондорчиликнинг асл мақсади сабаб, хосили эрталаб маълум бўлди. Содиков ҳали уйқуга тўймасдан гўёки «Волга» олиб келинган-у, хўжайнин худди ўз уйига киргандай келаверди:

– Хўш, бой бува! Ҳалиям ётишми, турсинлар энди.

Бувиси сўридан қандай туриб, рўмолини қандай бошига ташлаганини ҳам билмай қолди. Келин сомон, кепак юқи қўлларини ювмай ҳам аста оғил томондан келиб: «Хўжайнинни келинг», деди-ю, орқасига қайтди. Онаси супага кўрпача солди.

– Йўқ, овора бўлманг, биз ўтирмаймиз. Бой бувани раис чақиряптилар. Бирров чиқиб келаркан, – деди ҳовлига зимдан разм соларкан. – Уйларни ҳам бир янгилаш керак экан-а, хола, – деди.

– Ха, ўргилай, шу улим энди иш бошлади. Тўйимиз бор, уни ўтказвосак, кейин навбат уйгада, – деб онаси чой қўйиш учун ошхонага кетди. Ошхона ҳам... уйнинг ёни қанор қоп билан

түсилиб, икки-учта тахтадан стол ясалган қўлбола қурилма. Жиҳозлар ҳам примусда қорайиб кетган чўян чойнак, беш-олти тунука коса...

Бу орада қовоқлари шишиб, овозлари дўриллаб, юзини чала ювиб Содиков чиқиб келди.

– Ҳа, хўжайин, овора бўлибсиз-да, ўзим борардим.

– Энди... бой бува, бугундан бошлаб эрта туришга ўргансинлар. Бой бўламан, ризқим улуғ бўлсин деганлар эрта туриши керак. Оллоҳ саҳар тургандарга ризқнинг кўпини беради дейишиди. Қани, кетдик.

– Қаёққа?

– Ота чақиряптилар. Кеча келишоммагани учун эрталабдан қуллук бўлсин қилмокчи.

– Шуни кечроқ килсак бўлмайдими? Мен дарсга тайёрланишим керак. Бугун 6 соат дарсим бор.

– Э-э, қанака одамсиз! Ота ҳамманиям чақиравермайди. Бундан ташқари, сизни бугун-эрта дарсдан озод қилишади, айтиб қўйилган.

Содиковни судрагандай қилиб олиб чиқиб кетди. Раис уни идорадаги шийпонда хушчақчақ кутиб олди.

– Оббо, домла-ей, қуллук бўлсин! Жуда хурсанд бўлдик-да! Бу колхозимизният обрўси бўлди-да. Тарихда бунақаси бўлмаган... қани, ўти-ринг, чойдан олинг. Хўжайин, олиб кел.

Хўжайин бир зумда ластурхонни гуллатди: ис-сик сомса, қаймок, узум, асал... Шахсан раиснинг

ўзи чой қуиб турди, хўжайин орқаларида елкасида сочиқ билан тик турди. Охири раис ёрилди.

— Бу, домла, хўжайин айтди, уйлар сал эскириб қолибди. «Волга» кирадиган ҳовли «Волга»дай бўлиши керак. Уйни кўплашиб сал эпақага келтиришни ўйлаб қўйдик. Кейин синглингизни ишга жойлаб, жойи чиқса, тўй ҳам қилиш керак, дейман. Хулласи, анча-мунча сарф-харажатларингиз бор экан. Бу ёғини қандай планлаштиряпсиз?

Содиков кечадан бери бу масалада маслаҳатлар, таклифлар эшитавериб анча пишиб қолди, гапнинг қайси ариққа оқишини дарров сезди ва:

— Раис бува, раҳмат, жуда тўғри айтяпсиз. Уйда чиқимларимиз анча тўпланиб қолди. Шунга «Волга»ни сотсамми дегандим, — деб раисга юраги бетламайрок қараб қўйди ва шу қарашда раиснинг кўзи яшиаб кетганини сезди.

— Тўғри ўйлабсиз, болам. Машина олишнинг ўзи бўлмайди. Кейин олиб қаергаям бордингиз. Бунинг устига, чиқимларни қаердан коплайсиз? «Машина — иккинчи рўзгор», дейишади. Ҳакиқатан ҳам, уйга бир сўм сарфлассангиз, машинағаям бир сўм индамай кетади. Яқинда бензин ҳам 30 тийин бўлади деган гаплар бор, — раис шошиб қолди.

— Шунинг учун машинани сотай дейман-да, раис бува, — дангалига кўчди Содиков.

— Ҳеч кимга ваъда қилмадингизми, ишқилиб? — раис ҳам мақсад сари бир қадам сакради.

- Ваъда қилмадим-у... уни сотсак, ҳеч ким ҳеч нарса демайдимикан? — чайналди Содиков.
  - У ёғидан ташвиш тортманг, ҳаммасини ўзимиз ҳал қиласиз. Биронга индамайсиз...
  - Мактабдагилар билишади-да... — иккиланди Содиков — кейин...
  - Ҳа-а... ташвиш тортманг. Сизни хафа қилмаймиз. Уйларни эртадан қурилиш бригадаси келиб янгилашни бошлайди. Боғнинг четидан ўғлингизга 13 сотих ер ажратиб берамиз, — раис таклифларни қаторлаштира бошлади.
  - Иккаласиям қиз болаларимни...
  - Э-э, хали қариб қолибсизми, қизни берган Худо ўғилни ҳам беради-да! — раис нукта кўймоқчи бўлди савдога.
- Содиков тушундики, раис арzonга олмокчи. «Қандай қилиб унга Жонининг таклифини билдирам экан», — деб ўйланиб қолди.
- Раис ҳам, Содиковнинг ўйланишидан «арзонсираяпти», деб ўйлаб, савдони давом эттириш, нархни кўтариш лозимлигини сезди.
- Барibir, эркак кишига машина лозим. Шуни назарда тутиб мен сизга Алижон (ўғли) миниб юрган «Москвич»ни берсан деб турибман. Аммо буни иккимиздан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак...
- Содиков идорадан бўшашиб чиқди. Апил-тапил ўзига қараган бўлди-ю, тайёргарлик ҳам кўролмай мактабга жўнади.
- Ўхў-ў... Содиков, келяпсизми қанот бойлаб! Энди қачон бизни «Волга»да саёҳатга олиб

чиқасиз? Бу дейман, энди Лайлохоннинг тили қисилица қолгандир-а... – биринчи бўлиб гап бошлиди Ахмадали домла.

– Кечаси билан ухламагандирсиз ўзиям режалар тузиб-а... – илиб кетди Вали домла.

– Э-э, сиз дарров лотереяни сотинг-да, кечаги йиртилган плашни янгиланг.

– Бариданам, аввал партия взносини тўлаб қўйинг.

– Дарсга ўн минут бор экан, келинглар, конспектларни кўриб қўяйлик, – деди завуч.

Ҳамма ўлимга кетаётган маҳбусдай сумкаларини кўтариб завуч ёнига борди. Содиков ҳам конспектни ё кўрсатишни, ё чиқиб кетишни билмай тек қолди. Конспекти борлар кўрсатиб, синфларига мағурур кетишиди, Содиков аста сумкасини ковлаштириб завуч ёнига борди.

– Ҳа, Содиков, қуллук бўлсин, – деди завуч қуруқкина қилиб. – Қани, бугун дарсингиз олти соат экан-а? Ҳар қандай ҳолатда ҳам вазифа вазифа-да! Олиб келинг конспектни, – деди завуч кўзлари чақнаб, чунки у бугун Содиковда конспект йўклигига аниқ ишонар, боллаб адабини бермоқчи, ютуқ чиқса ўзингга, менга конспект керак, дегандай.

Содиков ҳам оз-оз тажриба орттирган эди, яъни конспектларига число қўймасди, шартта таваккал деб кўрсатди. Завуч «ҳа», «ҳа», деди-ю, қўлга туширолмаганига ҳафсаласи пир бўлиб, имзо чекиб берди. Барibir аламидан чиқолмай:

— Качон ош килиб берасиз? — деди.

— Домла, ош доимо тайёр! — деди Содиков азроилдан қутулғандек севиниб.

Шу завуч ажайиб одам-да! Конспектни дарсни яхшилаш, ўқитувчи дарсини сифатли ўтиши учун эмас, ҳамкасларини құлға тушириш, адабини бериш учун текширади. Конспектни ўқиб, маслаҳат бермайди, бўлса — бўлди, агар йўқ бўлса, яйраб кетади.

Содиков бир амаллаб дарсга кириб олди, аммо боши ғувуллаб, ўзини лоҳас сеза бошлиди. Яхшиямки, янги мавзу эмас, ўтилган мавзуни машқлар асосида мустаҳкамлаш экан. Болаларга тоширикни берди-да, ўзи столга ўтириб, кўзини юммай мизғишига тушди. Шу онда эшикнинг тақиллаши унинг жонига оро кирди, бўлмаса столда ухлаб қолиб, болалар олдида хижолат бўлармиди.

— Содиков, тезда РайОНОга боринг, — деди автоматдан ўқ отгандай қилиб завуч.

— Нега? — сўради дабдурустдан нима гаплигини тушуммай Содиков.

— Буни мудирдан сўрайсиз, — деди-да, товонига эшакникига ўхшаган нағал қокилган туфлисини тарақлатиб жўнаб қолди.

## ДЕВ БИР ҚАДАМ ПАСТГА ТУШДИ

Содиков РайОНО ҳовлисига кириб борганда узокдан, қачондан бери шу жойда ишлашини ҳеч ким билмайдиган, кўпчиликнинг гапи-

га қараганда, минг йиллардан бери маориғчи, ўнлаб мудирлар алмашса ҳам у ўрнидан жилмайдиган, тўйда ҳам, азада ҳам юзида бир хил жиддийлиги йўқолмайдиган райкомпрофсоюз Фиёсiddин астойдил тикилиб турарди. Содиков сездики, у мудир хонасига кирмайди, аввал профсоюз хонасида «шлифовка» қилинади, яъни обдан пиштилади.

Содиков Фиёсiddин билан қўл бериб кўришганда хеч кутилмаган ҳолат юз берди: умрида кулмаган одам тиржайди. Сўрашганда бироннинг қўлини қисмай, бармокларини шунчаки узатиб турадиган одам унинг қўлини қаттиқ қисиб сўрашди. «Албатта, «Волга» кучини бу ерда ҳам кўрсатибида», ўйлади Содиков. «Кизиқ, бу одам нима каромат кўрсатаркан? Қандай таклифлари бор экан? Одатга биноан, мудир кимни мукофотламоқчи, кимни жазоламоқчи бўлса, аввал шу одамнинг узоқ сухбатидан ўтарди. Демак, Содиков ҳам аввал шу ерда филтрланади. «Дадил бўл, Содиков!»

— Ха, Содиков, кўринмай кетдингиз? Бирор марта йўқламайсиз ҳам. Сизга дарсни 4-мактабга биз тўғрилагандик, ҳў-ў... 15 километрли 22-дан чақириб олиб, — гинахонликни бошлади Фиёсиддин.

— Ха энди, домла, иш кўн. Раҳмат, дарсларни кўпайтириб берган экансиз, бир амаллаб юрибмизда, — деди Содиков асосий мақсадни кутиб.

— Сиз келмасангиз ҳам биз сиз хақингизда ҳамма нарсаны сўраб, билиб турибмиз,— деди Фиёсиддин Содиковга қаттиқ тикилиб.

Содиков кўзини олиб қочиб домланинг столи устидаги қофозларга қаради: тўйга таклифнома, ичидаги сувда қизнинг ҳайкалчаси бор ручка, глобуснинг кичиги — олмадеги, бир уюм қарорлар, стаканда учи чиқарилиб, осмонга қаратилган 6 хил қаламлар, икки хил — қизил, яшил телефон аппарати, бир пачка «ТУ-134» сигарети, ярим ейилган ёнғок...

— Ҳа-а, раҳмат, домла. Хурсандмиз.

— Тунов кунги Навоий ижодига бағишланган кечангизни бориб кўрмасак ҳам, тафсилотини эшитдик. Жуда даҳшат кеча бўлибди. Мудир ҳам роса хурсанд бўлди. Ота-оналар билан ишлаш тажрибангиз ҳам советга маъқул келди. Олимпиада якунлари ҳам 2-ўрин экан. Суриштирдим: биринчи ўрин 10-мактабга нотўғри берилибди — жюри аъзолари ичидан ўша мактаб вакили бор экан, — Фиёсиддин домла тинмай гапирав, Содиков бўлса, қайси бурилишда сухбат асл мақсадга — «Волга»га кўчишини сабрсизлик билан кутарди.

— Мен ҳам янги келган пайтларимда худди сиздақа ишлаганман, беш-олти йилда мактабимни республикага олиб чиққанман. Кейин ўзингиз билган инспектор бўлдим, энди раис... КелиноЙингиз оддий фаррош эди, сиртдан ўқитдик, мана энди, кўриб турганингиздек, директор. Айт-

мокчи, оилангизни ҳам мактабга ишга киритишни ўйляяпсизми? Бир-икки йил лаборант-паборант бўлиб ишлаб турса, сиртдан ўқиб олади.

Содиков борган сари, ўзи шунча йилдан бери ҳурмат қилиб келган домлани ёмон кўриб, ундан нафратлана бошлади. Қани энди, бир куч тоңса-ю, гапини тўхтатиб тезроқ уйига кетвorsa... Худди шу пайтда хонага педкабинет мудири Каҳрамон ака кирди-ю, Содиковга Хизр бувадек кўриниб кетиб, ўрнидан сакраб туриб кетганини ҳам билмай қолди.

– Э-э, домла, ассалому алайкум!

– Ие, юбияр ўз оёғи билан келиб қолибди-ю, қани, биттага ташлаб кетадиларда-а? – ўз навбатида, Каҳрамон ака ҳам отиб қолди.

– Битта эмас, ўнтага ташлаб кетаман, – деб Содиков жуфтакни ростламоқчи эди, Гиёсиддин домла лаққа балиқни ойқулоғидан ушлаб қолди.

– Содиков, ҳали ишимиз битмади. Ўша танлаган мавзуга оид адабиётлар рўйхатини, керакли кўргазма воситаларини ёзиб олиб, кейин кетинг, – деди пинагини ҳам бузмай.

Содиков қандай турган бўлса, шундайича ўтириб қолди. Каҳрамон домла ҳам арзимас ишини тезда битирди-ю, тегишли қофозини олиб чиқиб кетди.

– Шунақа, ўртоқ Содиков, ишларингиз беш кетяпти. Энди ҳалиги «Волга» масаласи... Нима бўляпти ўзи? – нихоят, асосий мавзу бошланди.

— Нима бўларди... шу... ҳалиги ошна-оғай-нилар, таниш-билишлар олмагин-у... шу, сотиб қўяқол дейишяпти, — деди Содиков ҳам масалани сал мужмаллаштириб.

— Тўғри айтишибди. Сизнинг ҳолатингизда энг яхши, оптималь вариант — сотиши... Аммо кимлар экан, ўша сот деганлар? — сал ҳадиксираб сўради Фиёсиддин.

— Шу... энди бор-да, беш-олти киши, — деди Содиков тирноқлари билан стол четидаги коғозларни у ёқ-бу ёқка сураркан.

— Кисқаси, шеф ҳам бир шунаقا дегандай бўлувди, сизга айтмадими? Мен бир сўрай-чи, шу ердамикан ўзи, — деб Фиёсиддин ташқарига йўналди.

«Оббо, тулки-ей, оббо, тулкининг мардак тишлагани-ей. Оддий тулкининг айёрлигини ҳамма билади. «Айёрларнинг ҳам айёри бўлган тулкини «Мардак тишлаган тулки» дейишаркан. Оддий тулки копқондаги хўракни ейман деб илиниб коларкан. Мардак тишлагани эса хўракнинг қўйилганини кўрса, унга мардакни текизаркан. Копқон мардакни қисиб коларкан-у, тулки хўракни еб, йўлида давом этавераркан. «Сўрайчи», «Шу ердамикан» эмиш-а! Ҳар бир гапимизни деворнинг орқасидан териб тургандир шефинг!» Содиков бир зумда шунаقا зўр муаллим бўлиб қолганига ҳам ҳайрон бўлиб, ҳам ижирғаниб турибди. Фиёсиддин жуда тез чиқишидан иш аввал роса пухталангани, ҳозир бир оғиз қўшимча бўлгани маълум эди.

— Яхни ўйлабсиз сотиши. Шеф ўзида экан, баҳтимизга ҳозир райкомдан йифилишдан чикибди. Яқинда исполкомдан бизга «412» ажратишаркан. Ўшани сизга мўлжаллабдилар. Яп-янги, салидоли билан РайОПОнинг складида турибди экан.

Содиков у ёғини эшитишни ҳам хоҳламади, шарт туриб кетмоқчи бўлди-ю, аммо ҳали неча йиллар шу даргоҳ билан алоқа қилишини ўйлаб, шайтонга ҳай берди ва зўрма-зўракилик билан:

— Жон домла, мени қийнаманг, ҳали аниқ бир карорга келганим йўқ, кейин гаплашайлик, — дейёлди.

— Майли, аммо бир шефга учрайсизми, ё ўзим кирай-чи... — Фиёсиддин яна ўрнидан турди. Бу гал ҳам кирдию чиқди. — Кирар экансиз.

Содиков номини эшитишдан ҳам чўчийдиган хўжайнининг хонасига бу гал дадилроқ, чўчимай, шахдам қадамлар билан кираётганига ўзи ҳам хайрон колди. Бу пулнинг, молнинг қудрати шунчалар кучли бўлармикан?

— Ие, бой домла, келсинлар. — Шеф кресло-дан тушиб Содиковни хона ўртасида кутиб олди. «Дев бир поғона пастга тушди-ку», — хайрон бўлди Содиков. — Муборак бўлсин, бир маза қилиб ош ерканмизда-а! Жуда зўр бўлибди-да. Бутун маориф хурсанд бўлди-да, ўзиям. Энди режалар қандай?

— Домла... — дея гап бошлар экан Содиковни, барибир, хўжайнининг салобати босди, — домла...

шу энди... ҳали бир қарорга келганимиз йўқ. Эрта-индин ўзим келиб айтаман, – деди Содиков. Эшикни очгунча тахлаб ташлаган гапларининг хаммасини унутиб бўлганди.

– Биз ҳам билгандай бир ой олдин сизни аълочиликка тавсия қилворгандик! – «Ётиб қолгунча отиб қол», дейдилар.

– Раҳмат, домла, раҳмат! – шошиб қолган Содиков эшикнинг очик тавақаси қолиб ёпиқ тавақасига бошини уриб олди. Эшикдан чиқди-ю, яна ҳали айтмоқчи бўлган гаплари бирма-бир ёдига келди. «Аълочиликка эмиш... Ўттиз йиллаб ишлаган устозларим ололмаган нишонни менга беш йилда берармиш... Хе, бу кунингдан ўлганинг яхши. Бу «Волга» деганлари шунақа зўр оҳанрабомикан-а?

Содиков мудирдан ҳам, Фиёсиддиндан ҳам жирканиб кетди. Негадир яна ваҳима боса бошлиди. «Бу «Волга» менга яхшилик келтирмайдиганга ўхшайди».

## «ВОЛГА» КЕЛМАСДАН СОТИЛГАН

Содиков РайОНдан чиқиб тўғри уйига келди. Мактабда нимаям киларди, дарси аллақачон тугаган, яна мудирдан тортиб ҳамма ходимлари мени бошига кўтаргудек бўлиб турган бўлса.

Содиков уйига келса, яна гавжум. Тоғаси сўйилган қўйни майдалаб, шўрва солибди, супага дастурхон тузалган: ғарибгина уйига қандайдир файз кирганга ўхшайди. Қаери ўзгарибди, Содиков

аник билмайди, аммо ҳовли бошқача, ўн-ўн бенита қариндош-уруғ, яна ўша алкаш синфдошлар, кечаги икки бегона йигитнинг бири ҳам шу ерда.

— Келинг, Содиков, икки оғиз гаплашайлик, — деб ҳалиги йигит томорқа томонга бошлиди. Содиковга бу йигитнинг ўзини тутиши, гапириши, аввало, кийими ёқмади: оқ кўйлак, қора костюм-шим, қора туфли, қора пайпок, сочлари калта тарашланиб, ялтирайди, кўзлари қотиб қолгандай бир нуктага тикилган.

— Бемалол, — деди Содиков унга эргашиб. — Узр, мен сизни таниёлмаяпман, кечаям яхши гаплашоммадик.

— Таниб ҳам қоларсиз. Шеф, келишиб олайлик, «Волга»ни сотмайсиз. У сотилган. Агар бошқача бўлса... яхши бўлмайди. Газетадаги, журналдаги жанжалли мақолани эслайсиз-а? Кетай деганингизда (икки қўлини панжара қилиб кўрсатди) ким олиб қолганини эслайсизми? Дело хали ёпилмаган...

Содиков нима дейишини билмай қолди, баданидан совук тер чиққандай бўлди. Мехмон хайрлашмай чиқиб кетди. Содиков беихтиёр уч йил олдинги воқеани эслади. Ўшанда Содиков «Муштум» журналида халқ таълими тизимидағи хато-камчиликлар ҳақида умумий гаплардан иборат икки сахифалик мақола эълон қилган эди. Унда на бирор вилоят, на бирор туман тилга олинмаган, аммо ҳамманинг дилида, тилида турган гаплар ёзилганди. Мақола шунакаям шов-шув

бўлдики, ҳамма томондан маъқулловчи, қутловчи гаплар кела бошлади. Аммо негадир ўша мақола вилоят халқ таълими бошкармасидаги битта одамга ёқмабди. Гўё у ўша танқидий гаплар ўзига қаратилган деб хисоблаб (саводсизликни каранг!), редакциядан раддия талаб қилиби, судга берибди. Икки-уч ойлик сур-сурдан кейингина ҳаммаси жойига тушганди. Унгача Содиковнинг соchlари оқариб кетди. Мактабдагиларнинг кўпчилиги «Энди Содиков қамалиб кетса керак, вазирга тил теккизибди» деб юришганди. «Вой, пасткашлар-эй, топибдию ушлайдиган жойининг энг қулайини!» У кишининг кимлигини на Содиков, на бошқалар билишди.

Содиковнинг энди янаем боши котди. Кимга маслаҳат солишниям билмай қолди. Бувисидан сўрай деса, нуқул йиғлайди. «Олдин суюндим. Энди нимагадир юрагимни ваҳима босяпти, болам. Биз бунака катта нарсани эплай олмаймиз, шекилли. Ке, ўшандан кеч, болам», дейишдан нарига ўтмайди. Омина синглиси бўлса: «Олинг, ака! Маза килиб миниб юрасиз», – дейди. Тоғаси-чи? «Сот, жиян! Сенларни бугунги ҳолатингга машина ярашмайди. Уйда камчилигу етишмовчиликларни қара», дейди. Кимга согади? Армияда бирга хизмат қилган дўстигами, унинг шеригигами, раисгами, мудиргами, шубҳали кишигами... Қайсинисига сотсаям, бошқаси бир балога йўлиқтирмаса хам... умрбод душман бўлиб қолади-ёв.

## УЧ ҚАРТА

Фарҳод картани сузди-ю, шерикларининг қўллари қалтираганидан уларнинг ахволлари чатоқлигини сезгандай бўлди, уларни кузатаркан, негадир хотиржам бўлиб, қартасини очмай туриб қолди...

Саминжон картани аста ерга қўйиб, лунжини бир шишириб, кўз қири билан ёнига – Алишерга қараган бўлди. Алишер ўз ўрнида шоп эткизиб қартасини ерга урди – бу гал ҳам омади келмаганини билдириди. Отабек эса ёрилмаган қовун: нималигини билмайсан, миллион ютсаям, ютқизсаям кесакдай тураверади.

Фарҳод энди шошилмасдан қартасини кўрди-ю, кўзини банкка тикди. Ўнтадан ортиқроқ бор-ов... Бу гал ҳам омади чопди. Онангни кўрдинг наманганликлар...

Ўшанда Фарҳод Чортокқа борганди. Аввалига ўз одатича бепарво ўйнади. Жуда осонлик билан қўли келаверди, келаверди-ю, бир маҳал ўрнига ёрдамчиси – Алижонни ўтқизиб, бирров ташқарига чиқиб келди. У ҳеч қачон иримчилик қилмаган, аммо шу гал ташқарига чиққанига минг афсус килди. Тўхтовсиз келиб турган қўл бирор марта ҳам келмаса! Ўзидаги борини ташлади. Алижонникиниям тикди. Охири ҳеч вақоси қолмади. Туриб кетиш мумкинмас. Шунда Салоҳиддин номли қартадоши зоғлик килди. «Хўжайин, хў-ў меҳмонхонадаги хўрозни тиксинлар!» Фарҳод жонини тикса тикадики, ўша

хўрзини тикмайди. Накд беш минг «кўки»га кирган хўрз эди ўша. Нима бўлса бўлди – иложсизликдан хўрзиниям тикворди... Уям қулоғини ушлаб кетганди.

Мана бугун эса омади чопгандаям чопди. Наманганиклар ҳам, андижонликлар ҳам борбудини тикиши-ёв. Фарход борини йиғиб, энди кетишга чоғланганда, андижонликлар висир-висир қилиб қолиши. «Ха, акахонлар, энди бизникига борасизлар, би-ир хўрз шўрва пиширамиз, маза қилиб отамлашамиз», – деди Фарход. Бу гапда кесатик ҳам, масхараомуз эзиш ҳам – ҳамма нарса бор эди. Шу орада бир йигитча келиб, андижонликлардан тақамўйлов, тепакалига дастрўмолчага ўралган пул узатди.

– Ака, хўрз шўрва пишгунча бир қўл ташлайлик, зерикаб қолмаймиз, – дейишиди.

– Вей, сиз бир қўл дейсизми, марҳамат, ўн қўл ҳам ўйнайверамиз, – деди Фарход картани шариллатиб ўйнаркан. – Қани, қанча тикасиз?

– Мана шунинг ҳаммасини, – деди тепакал.

– Қанча ўзи?!

– Мана шу ўртада турганга-да, – деди тепакал дастрўмолни очиб. Унда 5–6 пачка 25 талик яп-янги пуллар, яна долларлар ҳам бор эди. Фарход қатларини кўриб қўйган бўлди. Бу ерда Фарход бугун ютган пуллардан анча кўп пул бор эди, юраги сал безовталангандай бўлди. Чунки Фарход «энди ютдим, ҳаммасининг чўнтаги қокилди, уйга бораман-да, нима

қилиб бўлсаям Содиковнинг лотереясини со-тиб оламан», деган ўй миясига қаттиқ ўрнашиб қолганди. Шундай бўлса ҳам сир бой бермай, қартани шилди.

Бу ёғи яшин тезлигида содир бўлди, шунақаям тез ўтдики, қандай қилиб ердан қартани олди-ю, қандай қилиб қаради... бутун баданидан муз тер чикиб, шалпайиб ўтириб қолгандан кейингина гап нимадалигини тушунди, кўзи яраклаб очилди. Ҳамма топғанларини ўртага ташлади, камини эртага шу маҳалда, шу ерга олиб келишга ваъда қилди...

Ҳамма тарқаб кетгандан кейин ҳам ўтирган жойида михлангандай ўтираверди... Уй эгаси 3-4 марта чой дамлаб чиқди, ароқниям сувдай ичишди, караҳт бўлиб қолишиди. Охири шериги суюб машинага олиб чиқди, калитни бермади, аммо машина рулига ўтиrolмай гандираклаб йикилиб тушди. Шу кўйи бироз ётиб ўхчи迪 – еганларининг ҳаммаси тушди, сал кўзи очилгандай бўлди.

Шериги бир амаллаб машина калитини олиб, орқа эшикни очди. «Фарход ака, ўтиринг, уйга борамиз». «Ҳайда!» Дала йўллари – ўнқирчўнқирлардан юрганигами, Фарходнинг кўзи очилгандай бўлди.

- Салом, қайга ҳайдаяисан?
- Уйга-да.
- Йўқ. Уйга... уйда... борми?! Ҳайда!
- Қаерга?

- Янги бойникига!
- Қайси? — Салом тушунолмай сўради.
- Нима? Ҳўқизмисан! Янги бойни билмайсанми? Анов қуримсок домла, «Волга» ютган.
- Э-э, айтмайсизми Содиков деб.
- Энди у бой! Аканг тугади, расво бўлди.

Улар Содиковларнинг ҳовлисига келишганда тонг ёришиб қолганди. Дарвоза — қанор қопли тўсик кия очилган, аёли ҳовлига сув сепиб юради.

- Келин, бой бувани чақиринг! — деди Салом.
- Бой бува! Бой бува энди йўқ, — деди Фарҳод ҳиқиллаб.

Салом бу гапни ё эшиитмади, ё эътибор бермади. Бу орада Фарҳод машина бардачогидан бир нарсаларни титкилаб олди.

Содиков ухлаб ётганаканми, ҳаяллаброқ чиқди.

— Ха, янги бой, мунча кутдирдингиз! Бизни назарга илмай қўйдингиз! У куни ташлангандай бўлдилар, — деб ғудранганича Фарҳод гандираклаб машинадан тушиб келди. Содиков буларни қўриб нафрати қўзиб кетди. У кунги ҳаракатларини хам ҳазм қилиб улгурмай, яна аzonлаб келиши, камига ҳе йўқ, бе йўқ «сасиши» ғазабини тоширворди.

— Бойми, камбағалми, сенинг ишинг бўлмасин! Бундан кейин бу эшик олдида сенларни кўрмай. Йўкол, кет!

— Ие, ҳали шуям эшик бўлдими! Ҳи-ҳи, Салом, шуни эшик дейишаркан, — деб Фарҳод қанор қопни бир тенганди, йиртилиб, ботинкаси у ёкка

ўтиб кетди. Содиков ҳам бўлари бўп турганди. Бу қилиғидан кейин қони қайнаб, Фарҳоднинг башарасига мушт туширганиният билмай қолди.

— Ие, бой бува, ҳозирдан ўзларидан кетиб қоптилар-у... Салом, қани, қочиб тур, — деб Фарҳод унга ташланди, олишув бошланиб кетди.

Тўполонни эшитиб чиққан Содиковнинг аёли: «Буви, ўғлингизни уришяпти», — дея дод солиб, супурги билан уларни ура кетди. Қўни-қўшнилар чиқишли. Ким кимни урган, ким ажратган — билиб бўлмайди. Бир маҳал: «Воҳ! Единг-ку!» — деб Содиков йикилди. Бир зумда ҳамма ўз-ўзидан тинчили. Ўрта очилиб, чўзилиб ётган Содиковнинг ўзи қолди. Фарҳод билан Салом ҳам ўзини четга олиши-ю, Содиковга қараб қотиб қолишли. Фарҳоднинг қўлидаги катта ош пичокдан қон томчиларди.

Туман шифохонаси жонлантириш бўлимидан Содиковнинг ёру биродарлари, қариндошларининг оёғи узилмай қолди. Ким дори-дармон ташиган, ким қон топширган...

Уч кун деганда мурдасини беришли. Жанозадан уч кун ўтиб, ҳамма лотереяни эслаб қолди. Аммо уни на хотини, на онаси топиб беролмади.

Ютуқ чиққанмиди ўзи?

## МУНДАРИЖА

Шахид бўлган плаш .....	3
Бузокка айланган сигир .....	19
Кудратли пул .....	23
Ютуқ .....	28
Эски бой эгилди .....	38
Йигирмата сигир .....	41
Дўкондаги учрашув .....	43
Йўқ ҳомилага уй-жой .....	55
Дев бир қадам пастга тушди .....	65
«Волга» келмасдан сотилган .....	71
Уч қарта .....	74

**Содиков, Мухаммад.**

C 75 Пул жаноби олийлари [Матн] / М. Содиков.  
– Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2017. – 80 б.  
ISBN 978-9943-28-726-6

УЎК 821.512.133-31  
КБК 84(5Ў)7

*Адабий-бадиий нашр*  
МУХАММАД СОДИК  
**ПУЛ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ**

*Кисса*

Мухаррир *H. Абдурахмонова*  
Бадиий мухаррир *Ш. Қурбонов*  
Техник мухаррир *Б. Каримов*  
Мусаххих *С. Салоҳутдинова*  
Кичик мухаррирлар: *Д. Ҳолматова, Г. Ералиева*  
Компьютерда тайёрловчи *Ф. Ҳасанова*


Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.2009.  
Босишга 2017 йил 30 январда руҳсат этилди.  
Газетная пухлая қоғози. Бичими 70×100<sup>1/32</sup>.  
«Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида оғсет  
усулида босилди. Шартли босма табоги 3,24.  
Нашр табоги 3,16. Адади 2000 нусха.  
Буюртма №17-11.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.


Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)



**Мухаммад Содик  
(Мамасали Саримсоков)**




1950 йил 20 январда Фарғона вилоятининг Багдод туманидаги Мирзаобод қишлоғида туғилган. 1972 йилда Фарғона Педагогика институтининг ўзбектили ва адабиёти факультетини битирган. 1982 йилдан Ўзбекистон журналистлар уюшмаси, 1992 йилдан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси. «Бойчечак», «Қора кўзойнак», «Ёшлик», «Чашма», «Йўл бошида», «Мен сизга айтсам», «Юбилиярнинг хотини» тўпламлари муаллифи.



**«O'ZBEKISTON»**

ISBN 978-9943-28-726-6



9 789943 287266